

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Ҳ.НАБИЕВ

САНОАТ СТАТИСТИКАСИ

ТОШКЕНТ – 2006

Набиев Х.Н. Саноат статистикаси - (ўқув қўлланма) - Т.: ТДИУ, 2006 – 82 бет.

Ўқув қўлланма «Статистика» фанининг муҳим тармоғи – «Саноат статистикаси» масалаларига бағишиланган. Унда саноат статистикасининг предмети, усуллари ва вазифалари, саноатнинг ўзига хос технологик хусусиятлари баён этилган, шу тармоқ маҳсулоти статистикаси ўргатилган.

Маълумки, саноатда ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун 4 омил катнашиши шарт: ишчи кучи, асосий капитал, айланма капитал ва тадбиркорлик. Кўлланмада шу омилларни статистик ўрганиш усуллари, кўрсаткичлар тизими, уларнинг методологияси батафсил ёритилган ва таҳлил қилинган, маҳсулот таннархи ва молиявий натижа кўрсаткичларига алоҳида эътибор берилган.

Кўлланма статистика таълими йўналиши бўйича таҳсил олаётган бакалаврлар ва магистрлар учун мўлжалланган.

Масъул мухаррир: и.ф.н., доц. Хайитов А.Б.

Тақризчилар: и.ф.н., доцент Аюбжонов А.Х.;
и.ф.н., доцент Набиҳўжаев А.П.;
проф. Ҳамроев М.Я.

КИРИШ

«Саноат статистикаси» «Статистика» фанининг таркибий қисмларидан биридир. Бозор муносабатлари шароитида у саноат тармоғи (фирма, корхона) даражасида воқеа-ҳодисаларнинг миқдор ва сифат жиҳатларини бир-биридан ажратмаган ҳолда ўрганади; ишлаб чиқариш, бошқариш, сотиш, ташки иқтисодий алоқалари моҳияти асосида фирма кўрсаткичлар тизими методологиясини, уларни жамлаб, тармоқ даражасида кўриб чиқиши, шунингдек, бу кўрсаткичлар орасидаги боғланишларни, улардан иқтисодий статистик таҳлилда фойдаланиш йўлларини ўргатади.

«Саноат статистикаси» ўз йўналишидан келиб чиқиб, назарий, услубий, тарбиявий ва амалий жиҳатдан муайян вазифалар амалга оширилишини кўзда тутади.

Ўқув жараёнида талабалар:

- «Саноат статистикаси» фанининг предмети ва усуллари ҳамда «Статистика»нинг бошқа тармоқлар билан алоқадорлиги;
- саноат тармоғи фаолиятини акс эттирувчи кўрсаткичларни тузиш принциплари, уларнинг таркиби ва ўзаро боғлиқлиги ҳақида;
- кўрсаткичларни ҳисоблаш методологияси, фирмаларда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми, уларни ишлаб чиқариш учун қилинган харажатлар ва молиявий натижалар, ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсаткичларини аниқлаш йўллари ҳақида пухта билим ва малакага эга бўлишлари лозим.

Услубий вазифалари саноат (корхона, фирма) тармоғи фаолиятини акс эттирувчи кўрсаткичлар тизимини аниқлаш услубияти ва уларнинг моҳиятини ўргатишдан иборат.

Тарбиявий жиҳатдан. Иқтисодий таълим йўналишларидаги бакалавр, магистрларда ўз касбига меҳр уйғотиши, хужжатлар тўғри тайёрланишига масъуллик туйғусини шакллантириши, вақт омилиниң қадрига етиш кўникмасини, ўз малакаси ва илмини оширишга интилишни кучайтиришдир.

Ушбу фанни ўргангандан талаба амалий жиҳатдан:

- саноат тармоғи статистик кўрсаткичлар тизимини аниқлаш ва таҳлил қилишга;
- улар асосида хулосалар чиқариб, амалий ечимлар топишга;
- бозор муносабатлари шароитида фирмалар, корхоналар, ҳиссадорлик жамиятлари иқтисодиётини ҳар томонлама тадқиқ қилишга қобил бўлиши лозим.

I боб

«САНОАТ СТАТИСТИКАСИ»НИНГ ОБЪЕКТИ, ПРЕДМЕТИ, УСУЛИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

1.1. «Саноат статикаси» ва унинг бошқа ижтимоий фанлар билан алоқаси

Табиат ва жамиятдаги ҳар кандай ҳодиса, воқеа миқдор ва сифат тарафиға эга бўлиб, унинг сифат тарафини «Кимё», «Физика» ва «Биология» каби табиий фанлар, миқдор тарафини эса ижтимоий фанлар, шу жумладан, «Ижтимоий-иқтисодий статистика» фани ўрганади. «Ижтимоий-иқтисодий статистика» фани икки қисмдан; жамиятдаги жараёнларни ўрганувчи «Ижтимоий статистика» ва иқтисодий жараёнларни ўрганувчи «Иқтисодий статистика»дан иборат.

«Иқтисодий статистика» ҳам ўз навбатида, икки қисмдан: миллий иқтисодиётни яхлит ҳолда ўрганувчи «Макроиқтисодий статистика» ва айрим тармоқлар ва уларнинг айрим ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи субъекти фаолиятини ўрганувчи «Микроиқтисодий статистика»дан ташкил топган.

«Саноат статистикаси» «Ижтимоий-иқтисодий статистика»нинг муҳим тармоғи бўлиб, у саноат тармоғида юз берётган жараёнлар, қонуниятлар ва боғланишларни ўрганади.

«Саноат статистикаси» «Философия», «Иқтисодиёт назарияси» ва «Статистика» фанлари умумий қоидалари асосида бошқа фанлар билан чамбарчас боғланган ҳолда саноатнинг ривожланиш жараёнини ифодалайдиган кўрсаткичлар ва белгилар тизимини ишлаб чиқади, бу кўрсаткичларнинг иқтисодий моҳиятини аниқлайди, яъни статистик ҳисобот ва таҳлилнинг назарияси ҳамда ва методологиясини яратади, статистик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш қоидаларини амалиётда қўллаб, уни янада равшанлаштиради ва ривожлантиради.

1.2. «Саноат статистикаси»нинг ўрганиш объекти

Ҳар қандай жамият яшовчанлигининг асоси моддий неъматлар ишлаб чиқариш ҳисобланади. Улар халқ хўжалигини моддий неъмат ишлаб чиқарадиган соҳаси тармоқларида (саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва ҳоказолар) яратилади. Моддий неъматлар яратадиган соҳа тармоқлари орасида асосий ўринни саноат тармоғи эгаллайди. Унда халқ хўжалигининг ҳамма тармоқлари учун машина ва ускуналар ишлаб чиқарилади, хом ашё, ёқилғи қазиб олинади, электр энергияси, кимёвий маҳсулотлар, қурилиш маҳсулотлари, меҳнат предметларининг асосий қисми ҳамда мамлакат мудофааси жиҳозлари тайёрланади.

Саноат моддий неъмат ишлаб чиқарадиган тармоқ бўлиб, унда инсоннинг меҳнати табиий бойликларни қазиб олиш ва уларни қайта ишлашга қаратилган.

Саноат ишлаб чиқаришига, шунингдек, саноат маҳсулотларини тақрор қайта ишлаш ва саноат характеридаги хизматлар ҳам киради.

Юқоридаги таърифдан келиб чиқиб, саноатни икки тармоққа – қазиб олувчи саноат ва қайта ишловчи саноат тармоқларига ажратиш мумкин.

Саноат тармоғи ишлаб чиқаришнинг хусусиятларига қараб, қуйидаги таснифланади: электроэнергетика, ёқилғи саноати (нефтни тортиб олиш, қайта ишлаш, газ, күмир ва ҳ.к); қора металлургия, рангли металлургия, кимё ва нефть-кимё саноати, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноати, ёғочни қайта ишлаш ва целюлоза – қофоз саноати, қурилиш материаллари, ойна, чинни ишлаб чиқариш саноати, енгил саноат, озиқ-овқат, микробиология, ун-крупа ва ем, тиббиёт ва полиграфия саноатлари.

1.3. «Саноат статистикаси»да ҳисобот бирлиги ва кузатиш бирликлари

«Саноат статистикаси» ўз обьектини ўрганишда, аввало, ҳисобот бирлиги ва кузатув бирлигини ажратишни тақозо қиласи. Бунда ҳисобот бирлиги саноат корхонаси ҳисобланади. У қуйидаги талабларга жавоб беради:

- маъмурий- хўжалик мустақиллигига эга;
- ишлаб чиқариш техник бирлиги эга.

Биринчи шартнинг моҳияти шундаки, бунда корхона (фирма)нинг банкда ҳисоб-рақами мавжуд, хўжалик фаолиятининг якуний баланси тузилади, фойда ва заарлар аниқланади ҳамда у бошқа корхона билан битим тузиш ҳуқуқига эга бўлади.

Иккинчи шартга қўра, меҳнат предмети аста-секин қайта ишланади, асосий ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатилади ва асосий ишлаб чиқариш чиқиндиларидан фойдаланилади.

Хозирги кунда Ўзбекистон Республикаси саноат тармоғида корхоналарнинг қуйидаги турлари мавжуд:

Корхона юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган мустақил хўжалик юритувчи субъект ҳисобланади. У ўзига мулкчилик ҳуқуқи сифатида тегишли бўлган мулқдан фойдаланади ёки тўлиқ хўжалик юритиш асосида маҳсулот ишлаб чиқаради ва сотади ёхуд маҳсулот айирбошлайди, иш бажаради, хизмат кўрсатади.

Ҳиссадорлик жамияти – устав капитали teng номинал қийматга эга бўлган маълум миқдордаги акциялар (пай)га бўлинган жамиятдир. Ҳиссадорлик жамияти акцияларни сотиш, шунингдек, жамиятнинг хўжалик юритиш фаолияти, қонуний йўл билан кўлга киритиш ҳисобидан вужудга келган мулк эгаси ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш ширкати – жамоат тадбиркорлигининг ташкилий-хуқуқий шаклидир. Унинг ҳар бир аъзоси ширкатга қўшган ҳиссасининг миқдоридан қатъиназар, битта овозга эга, унинг қарзлари бўйича жавобгарлик ширкат уставида белгиланган қоида – холатлар билан чекланган бўлади.

Ижара корхонаси – жами мулкни ижарага олиш асосида тадбиркорлик фаолияти кўрсатадиган корхонадир.

Давлат корхонасининг меҳнат жамоаси ёки бирлашма таркибий бирлиги юридик шахс асосида ижара корхонасини барпо этиш учун мустақил юридик шахс сифатида ижарачилар ташкилотини тузишга ҳақли.

Уюшма (ассоциация) – иқтисодий мустақил хўжалик юритувчи субъектлар ёки бошқа турли молия ташкилотларининг кўпчилиги бирлашган хўжалик юритиш шаклидир. Уюшма ўз таъсисчиси тасдиқлаган устав асосида иш юритади.

Корпорация – бирор бир фаолият кўрсатиш учун бирлашган юридик ёки жисмоний шахслар бирлашуви ва хуқуқ субъектини ташкил этувчи юридик шахсдир.

Юқорида қайд этилган корхоналар тузилишини ўрганишда уларнинг бўлимларини таснифлаш муҳим аҳамият касб этади. Улар корхона фаолиятида бажараётган функцияларига қараб, саноат ишлаб чиқариши билан банд бўлган (асосий ва ёрдамчи цехлар) ва банд бўлмаган гуруҳларга (транспорт, курилиш, умумий овқатланиш ва ҳоказо) бўлинади.

«Саноат статистикаси»да кузатиш бирлиги ўрганиш бўйича олдиндан қўйилган мақсадга қараб ўзгариб туради. Масалан, маҳсулот сифатини ўрганишда ҳар бир маҳсулот ёки маҳсулотлар гуруҳи, ишчи кучини ўрганишда ҳар бир ходим ёки ходимлар гуруҳи кузатиш бирлиги бўлиши мумкин.

1.4. «Саноат статистикаси»нинг предмети ва усули

«Саноат статистикаси»нинг предмети – саноатда юз бераётган оммавий-ижтимоий воқеалар ва жараёнларнинг миқдор томонини сифат томонидан ажратмаган ҳолда (маҳсулот, маҳсулот ишлаб чиқариш омиллари, маҳсулот таннархи ва молиявий натижалар) ўрганишdir.

«Саноат статистикаси» ўз обьектини ўрганишда ўзига хос қуйидаги усувлардан фойдаланади:

1) Умумназарий усул – бу, дунёвий философиянинг умумий қоидалари: а) воқеаларни ўзаро боғланишда ва ривожланишда деб қарап; б) воқеаларнинг ижтимоий-иқтисодий турлари мавжудлигини тан олиш; в) сон ўзгаришларининг сифат ўзгаришига олиб келишини тан олиш ва ҳоказолар.

2) Бевосита статистик усувлар: а) статистик кузатиш; б) сводкалаш ва гуруҳлаш; в) мутлақ ва нисбий миқдорлар; г) ўртача миқдорлар ва вариация кўрсаткичлари; д) индекслар ва ҳоказолар.

Қисқача хуосалар

«Иқтисодий статистика» икки қисмдан: миллий иқтисодиётни бутунлигича ўрганувчи «Макроиқтисодий статистика» ва унинг айрим тармоқларини ўрганувчи «Микроиқтисодий статистика»дан иборат.

«Саноат статистикаси» «Ижтимоий-иқтисодий статистика»нинг муҳим тармоғи бўлиб, у саноат тармоғини, унда юз бераётган жараёнларни, қонуниятларни ва боғланишларни ўрганади; ягона «Статистика» фанининг муҳим қисми сифатида иқтисодиётнинг йирик етакчи тармоғи – саноатни ҳар томонлама ўрганади ва чуқур таҳлил қиласди.

Назорат ва мухокама учун саволлар

1. «Саноат статистикаси»нинг ўрганиш объекти нима?
2. «Саноат статистикаси»нинг предмети, усули ва вазифалари нималардан иборат?
3. Ишлаб чиқариш тармоқларида саноат қандай ўрин тутади ва қандай аҳамиятга эга?
4. Республика саноат тармоғи статистика кўзгусида қандай акс этмоқда?

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат статистикаси тўғрисида»ги қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 2002й., 14 декабр.
2. Госкомпрогнозстат. Государственная программа перехода Республики Узбекистан на принятую в международной практике систему учета и статистики. Утверждена Каб.Мином. Республики, 14 сентября 1994. № 344.
3. Финансовёе законодательство Республики Узбекистан. Т-10 -Т., 1994-96.
4. Законодательство Республики Узбекистан о внешнеэкономической деятельности. Т.6 –Т.: Шарқ, 1995.
5. Таможенное законодательство Республики Узбекистан, -Т.: Шарқ, 1995.
6. Питер Фон Дер Липпе. Экономическая статистика. Учебник. Перевод с нем. Издатель: Федеральное статистическое управление Германии. 1995.
7. Экономическая статистика. Учебник. Под рад. В.М.Проскурянова, М.Н.Фреймунд, М.Р.Этдельман. 3-е изд. -М.: Финансы и статистика, 1983.
8. М.М.Новиков, И.Е.Теслюк. Макроэкономическая статистика, Часть I и II. Учебное пособие, Минск, Изд. БГЭУ, 1996.

II боб

САНОАТ МАҲСУЛОТИ СТАТИСТИКАСИ

2.1. Саноат маҳсулоти ҳақида тушунча ва унинг тайёр бўлиш жараёни

Жамият аъзолари эҳтиёжларини ва ишлаб чиқариш эҳтиёжларини қондириш учун керак бўлган истеъмол қийматлар маҳсулот деб аталади. Саноат корхоналари маҳсулоти икки хил кўринишда юзага келади:

Маҳсулот - технологик усул ёрдамида хом ашё ва материаллардан олинадиган буюм бўлиб, истеъмол қийматига эга, у ёки бу талабни қондиради.

Хизмат – маҳсулотнинг натурал буюм шаклини ўзгартирмайди, унинг бирламчи қийматига қиймат қўшмайди, лекин истеъмолчи шу хизматни амалга оширишдан манфаатдор ва унинг қийматини тўлайди. Масалан, товарни ташиш, жойлаш, таъмирлаш ва айrim маҳсулотлар истеъмол қийматининг ортиши (текислаш, хромлаш ва x.к.), товарни реклама қилиш; уни сотишни ташкил этиш ва x.к.лар.

Саноат тармоғида яратилган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматлар йифиндиси саноат маҳсулотини ташкил этади. Аммо саноат корхонасидаги ҳар қандай моддий неъмат ва кўрсатилган хизмат ҳам корхона маҳсулоти ҳисобланмайди.

Фақатгина корхонанинг тўғри, фойдали фаолияти натижаси маҳсули бўлган маҳсулот саноат маҳсулоти деб аталади. Шунинг учун саноат маҳсулотига қуйидагилар киритилмайди:

- ишлаб чиқариш чиқиндилари;
- ишлаб чиқаришдаги брак;
- капитал қурилиш бўлими, умумий овқатланиш, ёрдамчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари – бошқа тармоқларнинг маҳсулотлари;
- корхонада сотилган ортиқча асосий ва оборот фондлари – фаолиятнинг натижаси эмас.

Саноат ишлаб чиқариши жараёни маълум даврни ўз ичига олади ва шу даврда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар тайёр бўлиш даражасига қараб қуйидагича бўлади:

Тайёр маҳсулот – қайта ишловни талаб этмайдиган, қадоқланган, стандартга мос, тайёр маҳсулотлар омборига юборилган, сотишига ёки ишлаб чиқарувчининг ёрдамчи хўжаликларига юборишга мўлжалланган маҳсулотdir.

Яримфабрикатлар – тайёрлов устахоналарининг бирида техник жиҳатдан ишлаб бўлинган, лекин келажакда шу заводнинг бошқа цехларида ишлатилиши ёки четга сотилиши мумкин бўлган маҳсулотлардир. Масалан, металлургия заводидаги чўян.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш – ишлаб чиқаришга киритилган, лекин қайта ишлаш ҳали тугалланмаган маҳсулотлардир. Масалан, йиғув цехидаги машина.

2.2. Саноат маҳсулоти ҳажмини аниқлаш усуллари

Маҳсулот статистикаси, аввало, ишлаб чиқариш маҳсулотининг умумий ҳажмини ҳисобга олиши керак. Бунинг учун берилган маълумотларга ёки қўйилган вазифага қараб маҳсулот ҳажми қўйидаги усулларда ўлчанади:

- натурал усул;
- шартли натурал усул;
- қиймат усули.

Маҳсулот ҳажми натурал усулда ҳисобланганда, у натурал кўрсаткичларда ифодаланади. Масалан, тонна, дона, метр ва ҳ.к. Бу усулда факат бир корхона ёки тармоқ маҳсулоти ҳажмини сифатини ҳисобга олмаган ҳолда аниқлаш мумкин.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотни натурал усулда ҳисоблаш учун корхоналарда мавжуд бўлган маҳсулотлар номенклатуроси (рўйхат)да ҳар бир маҳсулотнинг ўлчов бирлиги қўрсатилади.

Шартли натурал усулда, маҳсулотнинг ҳам ҳажми, ҳам сифати эътиборга олинади. Бунда маҳсулотларнинг ҳар хил тури бир хил ўлчов бирлиги сифатида қабул қилинади.

Масалан, яхна ичимликлар ишлаб чиқарувчи корхонада қўйидаги миқдорда минерал сувлар ишлаб чиқарилган бўлсин:

- 1000 та – 1,5л.лик идишда;
600 та – 1,00л.лик идишда;
400 та – 0,5л.лик идишларда.

Булар натурал кўрсаткич. Бунда шартли натурал кўрсаткичга ўтиш учун ҳамма идишлар 0,5л.ликка ўтказилади. Бунинг учун коэффициентлар аниқланади: $\frac{1,5}{0,5} = 3,0$; $\frac{1,0}{0,5} = 2$. Ишлаб чиқариш ҳажми шу коэффициентларга кўпайтирилиб, барча идишлар 0,5л.ликка айлантирилади: $1000 \cdot 3 = 3000$; $600 \cdot 2 = 1200$; $400 \cdot 1 = 400$. Шундай қилиб, корхонада 4600 та 0,5 литрлик идишда ($3000 + 1200 + 400 = 4600$) минерал сув ишлаб чиқарилган.

Маҳсулотни қиймат усулида ифодалаш ҳар хил турдаги маҳсулотлар бўйича умумий кўрсаткични аниқлаш имконини беради. Қийматни пулда ифодалашда баҳо системасидан фойдаланилади.

Саноат маҳсулотини пул шаклида ифодалаш ҳар хил маҳсулотларни, шунингдек, ҳар хил корхоналар ва тармоқлар маҳсулотларини қўшиш имкониятини беради. Саноат маҳсулоти корхоналар ва уй хўжаликлари шароитида ишлаб чиқарилади ва қиймат усулида қўйидагича ифодаланади:

$$Q = p \cdot q$$

Бунда: p - маҳсулот бирлиги баҳоси;

q - маҳсулот ҳажми.

Саноат маҳсулоти ҳажми ва улар динамикаси индекс усули ёрдамида аниқланади:

1) Маҳсулот қиймати индекси:

$$I_q = \frac{\sum p_1 q_1}{\sum p_0 q_0};$$

Бунда: p_0, p_1 - маҳсулотнинг базис ва жорий даврдаги баҳоси;

q_0, q_1 - маҳсулотнинг базис ва жорий даврдаги натурал кўринишдаги ҳажми.

2) Ишлаб чиқарилган маҳсулот баҳоси индекси:

$$I_q = \frac{\sum p_1 q_1}{\sum p_0 q_1}$$

3) Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг физик ҳажми индекси:

$$I_q = \frac{\sum p_0 q_1}{\sum p_0 q_0}$$

Бу индекслар орасида қўйидагича боғланиш мавжуд:

$$I_Q = I_p \cdot I_q$$

Ишлаб чиқарилган маҳсулотлари ҳажмини икки хил усулда ҳисоблаш мумкин:

1. Сотилган маҳсулот ҳажми сифатида (бунда корхонанинг бошқа бўлимларига ўтказилган ва ходимларига натурал иш ҳақи сифатида берилган маҳсулотлар ҳам қўшилган) плюс тайёр маҳсулот, тугалланмаган ишлаб чиқариш ва ярим тайёр маҳсулотлар заҳираларининг ўзгариши;

2. Шу даврда корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотлар қиймати сифатида (сотилган ва сотилмаган ёки заҳирада) ҳамма цехларда ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар (ўз материалидан ва буюртмачиларнинг материалидан) тайёrligicha, ишлаб чиқарувчининг капитал қурилиш бўлимига ёки саноат бўлмаган бўлимларга сотишга мўлжалланган бўлади; янги технологияни, ЭҲМ учун дастурий маҳсулотларни, ўзи ишлаб чиқарган

яримфабрикатларни, ёрдамчи хўжалик маҳсулотларини ўзлаштириш ва жорий этишдан ташкил топади.

1993 йилдаги МХТнинг учинчи халқаро стандарти бўйича ЯИМ ва айрим тармоқлар маҳсулотлари (ялпи ишлаб чиқариш) кўрсаткичини аниқлаш учун статистика амалиётида қуидаги баҳолар қўлланилади:

- a) омилли баҳо;
- b) асосий баҳо;
- c) ишлаб чиқариш баҳоси;
- d) харидор баҳоси.

Баҳоларнинг ҳосил бўлишини қуидаги тартибда ифодалаш мумкин:

- омилли баҳо қ мөхнат ҳақи К оралиқ истеъмол К ялпи фойда;
- асосий баҳо қ омил баҳо К ишлаб чиқариш соф солиғи;
- ишлаб чиқариш баҳоси қ асосий баҳо К маҳсулот соф солиғи;
- харидор баҳоси қ ишлаб чиқариш баҳоси К савдо транспорт устамаси.

Омилли баҳо – ишлаб чиқаришдаги 4 омилнинг (ишчи кучи, асосий ва оборот фонdlар, тадбиркорлик) қийматини акс эттиради.

Асосий баҳо – бозор баҳоси бўлиб, омилли баҳога ишлаб чиқариш соф солиғи қўшилади. У, ўз навбатида, ишлаб чиқарувчилар ва харидорлар баҳосига бўлинади.

Ишлаб чиқарувчиларнинг бозор баҳоси ишлаб чиқарувчи томонидан маҳсулот бирлигини сотган баҳоси ҳисобланади. Бунда асосий баҳога маҳсулотларга бўлган солиқ қўшилади (қўшимча қиймат ва импорт солиғидан ташқари) ва маҳсулотларга бўлган субсидиялар айрилади. Субсидиялардан ташқари солиқлар соф солиқлар, деб аталади.

Харидорлар бозор баҳоси – харидор томонидан маҳсулот ва хизматларга тўланган тўловдир. Бунда маҳсулотларга бўлган соф солиқлар ва савдо-транспорт устамалари қўшилади.

Маҳсулот баҳоси ташкил топишини қуидаги схема асосида ифодалаш мумкин:

| | Ишлаб чи=арув- чининг сотиш баҳоси | = | Чакана (харидор баҳоси) | Сотувдан олинадиган соли=лар (на=д пул билиан тыланса) |
|--|--|---|-------------------------------|---|
| Чакана (харидор баҳоси) | Ишлаб чи=арув- чининг сотиш баҳоси | = | Акциз соли\и | Савдо харажат- лари |
| Ишлаб чи=арув- чининг сотиш баҳоси | Таннарх | + | Фойда | Субци- диялар |

Статистика саноат корхоналари маҳсулотлари ҳажмини қўйидаги кўрсаткичлар тизими орқали ифодалайди:

Ялпи ишлаб чиқариш – жорий даврда ишлаб чиқарилган маҳсулот ва кўрсатилган хизматлар йиғиндиси бўлиб, қўйидаги элементлардан таркиб топади:

- ишлаб чиқарилган маҳсулот;
- бозор хизматини кўрсатиш;
- нобозор хизматини кўрсатиш;
- тескари ўлчанадиган молиявий воситачилик хизмати.

1) Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар жорий бозор баҳосида баҳоланади ва қўйидаги элементлардан ташкил топади:

- тайёр маҳсулот;
- ярим тайёр маҳсулот;
- тугалланмаган ишлаб чиқариш.

2) Бозор (тўловли) хизматларини кўрсатиш (коммунал хўжалик, майший хизмат кўрсатиш, тўловли илм олиш ва соғлиқни сақлаш, маданий муассасалар хизмати ва х.к.). Бу хизматларни кўрсатиш қиймати тўловлар суммаси йиғиндисига тенг.

3) Нобозор (тўловсиз) хизматларни кўрсатиш (тўловсиз илм олиш ва соғлиқни сақлаш, маданият, санъат ва х.к.). Бу хизматларни кўрсатиш қиймати уларга сарфланган хизматлар суммалари йиғиндисига тенг.

4) Тескари ўлчанадиган молиявий воситачилик хизмати – кредит бериб олинган фоиз билан пул маблағларини тўплаб, уларнинг эгаларига берилган фоизлар орасидаги фарқ.

ЯИЧ (ялпи ишлаб чиқариш) омил баҳо (асосий баҳода) ва харидорларнинг бозор баҳосида баҳоланиши мумкин. Омил баҳода ҳисоблаш юқорида қайд қилинганидек, фақат ишлаб чиқариш харажатларини, яъни асосий фондлар амортизацияси, оборот фондлар қиймати, иш ҳаки ва фойдани ўз ичига олади. Бозор баҳосида буларга соғ ва тескари солиқлар ҳам қўшилади.

Юқоридаги 4 та элементнинг йиғиндиси ялпи ишлаб чиқаришни ифодалайди.

Элементлари бўйича **ЯИЧ** қўйидагиларнинг йиғиндисидан ташкил топади:

$$\text{ЯИЧ} = \text{ТМ} + \text{ИБ} + \text{ЁХМ} + \text{ЯФ} + \text{ЯФУ} + \text{КР} + \text{БТМ} + \text{СТ}$$

Бунда: ЯИМ-саноат корхонаси ялпи ишлаб чиқариши;

ТМ-тайёр маҳсулот қиймати;

ТИЧ-тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдигининг ўзгариши;

ИБ-ташқи буюртмачининг иш ва хизматлари;

ЁХМ-ёрдамчи ва қўшимча ҳужжатлар эвазига ташқарига сотилган маҳсулот;

ЯФ-ташқарига сотилган яримфабрикатлар;

ЯФҮ-корхона омборидаги яримфабрикатлар қийматининг ўсиши; КР-ускуналарнинг капитал таъмир қиймати; БТМ-буюртмачи хом ашёсининг ҳақи тўланмаган қисмидан таёрганган маҳсулот;

СТ-мулк ва брак маҳсулотларни сотишдан тушган тушум.

Оралиқ истеъмол –ишлаб чиқариш жараёнидаги истеъмол қилинган товар ва хизматнинг (ишлаб чиқаришга киритилиш вақтида мавжуд бўлган баҳолардаги) қийматидир.

Оралиқ истеъмол қуидаги элементлардан ташкил топади:

- моддий харажат;
- номоддий хизмат учун тўлов;
- сафар ва меҳмонхона харажатлари;
- оралиқ истеъмолнинг бошқа харажатлари.

Моддий харажатларга товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш учун сарфланган қуидаги меҳнат буюмлари киради:

- а) хом ашё ва материаллар;
 - б) ярим тайёр маҳсулот ва деталлар;
 - в) ёқилғи ва энергиянинг барча турлари;
 - г) маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ хизматлар;
 - д) ўзининг ва чет корхоналарнинг транспорт хизматлари; алоқа ва ҳисоблаш марказлари хизматлари;
 - е) ўраш мтериалларининг қиймати;
 - ж) ходимлар учун зарурий ускуналар, иш кийимларига харажатлар ва ҳ.к.
- Номоддий хизматлар учун тўловларга қуидагилар киради:
- а) товар сифатини текшириш учун тўловлар;
 - б) илмий текшириш ва экспериментал ишлар учун тўловлар;
 - в) молиявий воситачиларнинг хизматлари учун тўловлар; сугурта хизматлари;
 - г) корхона учун зарур мутахасислар тайёрлаш ва ходимларини қайта тайёрлаш учун ўқув муассасаларига тўловлар;
 - д) бино, иншоот, машина ва асбоб-ускуналар ижараси учун тўловлар, реклама харажатлари;
 - е) товар ишлаб чиқариш учун рухсатномага тўловлар;
 - ж) ёнғиндан сақлаш ва қоровуллик хизматлари учун тўловлар.

Сафар ва меҳмонхона харажатларига қуидагилар киради:

- а) йўл харажатлари;
- б) меҳмонхона харажатлари (овқатланиш ва майший хизматлар меҳнат ҳақига киритилади).

Ялпи қўшилган қиймат ялпи ишлаб чиқариш ҳажми билан оралиқ истеъмол орасидаги фарқقا тенг бўлиб, жорий даврда яратилган янги қиймат ҳажмини ифодалайди:

ЯҚҚ=ЯИЧ-ОИ
Статистик ҳисобот маълумотлари асосида тузиладиган саноат
маҳсулотини ишлаб чиқиши ва сотиш кўрсаткичлари

| | Ўлчов бирлиги | Аниқлаш даври | Ишлов чегараси |
|---------------------------|------------------------------------|---------------|---|
| 1. Маҳсулот ҳажми | | | |
| -ишлаб чиқарилган | Минг сўм, натурал кўринишида | Ойлик | Саноат тармоқлари бўйича, маҳсулот турлари бўйича |
| -жўнатилган | -//- | -//- | -//- |
| 2. Физик ҳажми индекси | % | % | % |

Хозирги шароитда саноат маҳсулотларига корхоналар ва уй хўжаликлари маҳсулотлари сифатида каралиб, улар икки турга бўлинади:

1) Бозор учун ишлаб чиқарилган маҳсулот – уни сотиш натижасида харажатлар қопланади ва маълум миқдорда фойда олинади.

2) Корхонани ялпи жамғариш учун эмас, балки бозор учун ишлаб чиқарилган маҳсулотлари – уларга маҳсус ускуналар, асбоблар ишлаб чиқариш, маҳсулотларни ўз кучи билан капитал таъмир қилиш ва шу билан бирга уй хўжаликлирида ўз истеъмоли учун ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (хунармандчилик маҳсулотлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш, мебель, оёқ кийимларини таъмирлаш ва ҳ.к.) киради.

Саноат характеристидаги хизматга қуйидагилар киритилади: ускуна ва транспорт воситаларини модеринизация ва капитал таъмирлаш қиймати, маҳсулотнинг бошқа корхонада тайёрланган айрим элементларини тайёр ҳолга келтиришдаги хизматлар ҳажми, буюртмачи ускуналарини монтаж қилиш, ишга тушириш ва созлаш каби хизматлар. Умуман, саноат маҳсулоти таркиби қуйидагилардан ташкил топади:

- сотилган маҳсулот ҳажми;
- сотиш учун жўнатилган маҳсулот ва хизматлар ҳажми;
- шу корхонанинг саноат бўлмаган бўлимларига (болалар боғчаси, дам олиш уйлари ва ҳ.к.) берилган маҳсулотлар;
- корхона ходимларига иш ҳақи сифатида берилган маҳсулот;
- одамийлик нуқтаи назаридан бошқа ташкилотларга берилган маҳсулотлар;
- заҳиралар ҳажми ортиши;
- тугалланмаган ишлаб чиқариш.

2.3. Саноат маҳсулоти ҳажмини аниқловчи қиймат кўрсаткичлари тизими

Сотилаётган вақтда харажатлар бутунлай ёки қисман қопланадиган маҳсулотлар, бозор учун ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари деб аталади. Саноат тармоғининг бозор учун ишлаб чиқарган маҳсулотига қуйидагилар киради: мустақил балансда бўлган, барча саноат корхоналарида ишлаб чиқарган маҳсулотлар, уларнинг ёрдамчи саноат маҳсулоти ишлаб чиқарувчи хўжаликлари маҳсулотлари, хўжаликларо ташкилотлар, истеъмолчи коорпорациялар, қўшма корхоналар, кичик ва хусусий саноат корхоналари маҳсулотлари.

Саноат корхоналарининг бозор учун ишлаб чиқарган маҳсулотига қуйидагилар киради: мустақил балансда бўлган барча саноат корхоналари ишлаб чиқарган маҳсулотлар, уларнинг ёрдамчи саноат маҳсулоти ишлаб чиқарувчи хўжаликлари маҳсулоти, хўжаликларо ташкилотлар, истеъмолчи коорпорациялар, қўшма корхоналар, кичик ва хусусий саноат корхоналари маҳсулотлари.

Корхоналар саноат ишлаб чиқаришига уларнинг бўлимлари томонидан ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулот турлари киритилади: тайёр маҳсулот, яримфабрикатлар, тугалланмаган ишлаб чиқариш ва корхона томонидан кўрсатилган хизматлар (саноат маҳсулотларини, ускуналарни, мебелни, кийимларни таъмирлаш, ташқаридан олинган айрим буюртмаларни бажариш, ўз капитал қурилиш бўлими учун кўрсатилган хизматлар ва ҳ.к.).

Уй хўжаликларининг саноат ишлаб чиқаришига қуйидагилар киради: улар томонидан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари (қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, хўжалик буюртмаларини, мебель, оёқ кийимини таъмирлаш ва ҳ.к.).

Қисқача хуносалар

Саноат тармоғида яратилган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматлар йиғиндиси саноат маҳсулотини ташкил этади. Аммо саноат корхонасидаги ҳар қандай моддий неъмат ва кўрсатилган хизмат ҳам корхона маҳсулоти ҳисобланмайди.

Фақатгина корхонанинг тўғри, фойдали фаолияти натижаси саноат маҳсулоти деб аталади. Шунинг учун саноат маҳсулотига қуйидагилар киритилмайди:

- а) ишлаб чиқариш чиқиндилари – эгри натижа;
- б) ишлаб чиқаришдаги брак – фойдасиз маҳсулот;
- в) капитал қурилиш бўлимнинг, умумий овқатланишнинг, ёрдамчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари – бошқа тармоқ маҳсулотлари;
- г) корхонада сотилган ортиқча асосий ва айланма фондлари – фаолият натижаси эмас.

Саноат ишлаб чиқариши жараёни маълум даврни ўз ичига олади ва шу даврда маҳсулотлар тайёр бўлаш даражасига қараб: тайёр маҳсулот, яримфабрикат, тугалланмаган ишлаб чиқариш.

Корхоналар маҳсулоти ҳажмини ифодаловчи кўрсаткичлар: ялпи ишлаб чиқариш, оралиқ истеъмол, янги қўшилган қиймат.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Саноат маҳсулоти нима?
2. Саноат маҳсулоти тайёр бўлиш даражасига қараб қандай элементларга бўлинади?
3. Саноат маҳсулоти ҳажми қандай усуллар ёрдамида аниқланади?
4. Саноат маҳсулоти ҳажмини ифодаловчи қиймат кўрсаткичлари тизимиға нималар киради?

Асосий адабиётлар

1. «Давлат статистикаси тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 2002, №12.
2. И.Каримов. Наша цель: свободная и процветающая Родина. Соч. том II, Ташкент, «Узбекистан», 1996.
3. Экономика и статистика фирм. Учебное пособие. Под. ред. проф. Ильеновой С.Д. М. «Финансы и статистика», 1997.
4. А.Ф.Ревенко. Промышленная статистика в США. Учебник. М. «Статистика», 1991.
5. В.Е.Адамов, Статистика промышленности, Учебник.М., «Финансы и статистика» - 1987.
6. Экономическая статистика. Учебник. Под рад. В.М.Проскурянова, М.Н.Фреймунд, М.Р.Этдельман. З-е изд. М.: «Финансы и статистика», 1983.
7. Макроэкономическая статистика. Учебник. Под ред. Проф. Кулагиной Г.Д. -М., Финансы и статистика.
8. Мировая экономика и международные отношения. РАН. Экономическая статистика в период перехода России к рыночной модели хозяйствования, М.,1992.

III боб

САНОАТ МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ СТАТИСТИКАСИ

3.1. Корхона ходимларининг сони ва таркиби статистикаси

Давлат, нодавлат корхоналари ва ташкилотлар ходимларининг маълум вақтдаги сонини характерловчи қўрсаткичлар қўйидагилар ҳисобланади: рўйхатдаги ходимлар, ишга келганлар ва амалда ишлаганлар сони.

Рўйхатдаги ходимлар сонига доимий, мавсумий ва вақтинча ишга қабул қилинган кишилар киради. Унга ишга келганлардан ташқари дам олиш кунларида ишлаб, одатий иш кунларида ишга келмаганлар, беморлар, хизмат сафарида бўлганлар ва бошқа сабабларга кўра, вақтинча ишга келмаган ходимлар ҳам киради. Турли ишларни бажариш учун четдан ёлланганлар (таъмирчи, юк ташувчи) ва амалиётдаги талабалар рўйхатдаги ходимлар сонига кирмайдилар.

Ишга келган ходимлар сони рўйхатдагилардан қанчаси ишга келганини кўрсатади.

Амалда ишлаган ходимлар сони ишга келган ходимларининг қанчаси ишга тушганини билдиради. Ишга келганлар билан амалда ишлаганлар ўртасидаги фарқ ҳар хил сабабларга кўра ишламаган ходимлар сонини англатади. Масалан, хом ашё бўлмаслиги ёки электр энергияси йўқлиги туфайли. Булар бўш турганлар, дейилади.

Маълум даврдаги ходимлар сонини аниқлаш учун уларнинг шу даврдаги ўртача сонини аниқлаш керак бўлади. Бу қўрсаткичдан ўртача меҳнат унумдорлиги даражаси ва ўртача иш ҳақини аниқлашда фойдаланилади.

Рўйхатдаги ходимларнинг ўртача суткадаги сонини аниқлаш учун ҳар кунги ходимлар сонини қўшиб (байрам ва дам олиш кунлари ҳам ҳисобга олинади), улар календарь кунлар сонига бўлинади:

$$T = \frac{\sum(T - T^1)}{D};$$

Бунда: Т- ходимлар сони;

Т¹- декрет таътили ёки асосий ўқиш даври тугагач, ўз ҳисобидан таътил олган ходим ва талабалар сони;

Д - календарь кунлар сони.

Корхона ходимлари таркибини ўрганиш учун улар бир қанча белгиларга асосан гурухланади:

1) Корхонанинг асосий ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи ходимлар. Унга асосий, ёрдамчи ва транспорт цехларидағи ҳамда бошқа ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган ходимлар киради.

2) Корхонанинг асосий ишлаб чиқариш фаолияти билан бевосита алоқаси бўлмаган ходимлар. Буларга корхонанинг болалар боғчаси, тиббий пункт, клуб ва ошхонаси ходимлари киради.

Статистика саноат ишлаб чиқариши билан банд бўлган ходимларни чукур ўрганади ва уларнинг бажараётган вазифасига қараб қуидаги гуруҳларга ажратади: ишчилар, хизматчилар, мутахассислар ва раҳбарлар. Бунда статистика асосий эътиборни ишчилар категориясига каратади.

3.2. Ишчи кучи ҳаракати статистикаси

Ишчи кучининг ишдан бўшатилиши ва янги ишчиларни қабул қилиш натижасида корхонадаги ишчи кучи таркиби ва сонида ўзгаришлар бўлиб туради. Ишчи кучи сонининг ўзгариб туриши, ишчи кучининг обороти, деб аталади. Оборот икки хил бўлади:

- 1) Ташқи оборот (ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш).
- 2) Ички оборот (ишчиларнинг бир цехдан иккинчисига ёки бир категориядан иккинчисига ўтиши ва х.к).

Меҳнат ресурслари статистикаси статистик маълумотларга асосан ишчи кучи оборотини характерлаш учун қуидаги кўрсаткичларни ҳисоблайди:

1. Ишчи кучининг умумий обороти;
2. Ишчи кучининг ишга қабул қилиш обороти;
3. Ишчи кучининг ишдан бўшаш обороти;
4. Ишчи кучининг қўнимсизлик обороти.

Бу кўрсаткичлар мутлақ ва нисбий миқдорларда ҳисобланади.

Ишчи кучининг мутлақ оборот кўрсаткичи жорий даврда ишчиларни ишга қабул қилиш ва уларнинг ишдан бўшаш миқдори билан характерланади. Шу оборотнинг нисбий миқдори эса коэффициент ва фоизда ифодаланади.

1. **Ишчи кучининг умумий обороти** қуидагича ҳисобланади: корхонага ишга қабул қилинган ва ишдан бўшатилганлар сони шу ҳисбот давридаги ўртача рўйхатдаги ходимлар сонига бўлинади.

2. **Ишга қабул қилиш обороти.** Бу кўрсатгич ҳисобланганда ҳисбот даврида ишга қабул қилинган ходимлар сони ўртача рўйхатдаги ходимлар сонига бўлинади.

3. **Ишдан бўшатилганлар обороти коэффициенти.** Бу кўрсатгични ҳисоблаганды корхонада ҳисбот даврида ишдан бўшаганлар сони ўртача рўйхатдаги ишчилар сонига бўлинади.

Ишчиларнинг ишдан бўшаси 2 хил бўлади:

1. Зарурий ишдан бўшаш;
2. Ортиқча ишдан бўшаш.

Зарурий ишдан бўшаганларга қонунда белгиланган ишлаб чиқариш зарурияти ва табиий сабабларга кўра ишдан бўшовчилар киради.

Ортиқча ишдан бўшаганларга корхона манфаатига мос бўлмаган сабабларга кўра ишдан бўшаганлар киради. Масалан, ўз хоҳиши билан ишдан бўшаганлар ёки меҳнат интизомини бузганлиги учун ишдан ҳайдалганлар. Ишчи кучининг бундай обороти қўнимсизлик, деб аталади.

Кўнимсизлик меҳнатнинг ташкил этилиши, ишлаб чиқаришнинг рисоладагидек бориши, маҳсулот ишлаб чиқариш ва унинг сифатига салбий таъсир кўрсатади. Булар, ўз навбатида, корхона иқтисодига таъсир этади. Кўнимсизлик коэффициенти ҳисобланганда юқоридаги айтилган сабаблар билан бўшаганлар сонини ҳисобот давридаги ўртача рўйхатдаги ишчилар сонига бўлинади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ишсизликни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, ишлаб турган жойидан, меҳнат даромадидан ажралган, иш қидирувчи шахслар сифатида рўйхатга олинган, меҳнатга, касбий тайёргарликка тайёр, 16 ёшдан пенсия ёшига қадар бўлган фуқаролар ишсизлар сирасига киради.

Статистикада ишсизлик даражасини характерлаш учун мутлақ ва нисбий кўрсатгичлардан фойдаланилади. Маълум худуд бўйича маълум давр ёки маълум вақт учун ишсизларнинг мутлақ сони аниқланади. Лекин унинг интенсивлик даражасини аниқлаш учун ишсизлик коэффициенти ҳисобланади. Бунинг учун ишсизлар сони меҳнат ресурслари сонига бўлинади ва фоизда ифодаланади. Бозор иқтисодиёти шароитида 5-7% ишсизлик нормал ҳолат ҳисобланади.

3.3. Иш вақти баланси ва унинг статистикаси таҳлили

Иш вақтининг ўлчов бирлиги бўлиб, киши/куни ва киши/соати ҳисобланади. Ишланган киши/куни деб, ишчининг ишга келиб неча соат ишлашидан қатъиназар ишлаган кўнга айтилади. Агарда ишчи бир иш куни давомида сменада тўла ишламаса ҳам у сменада бўлган вақт бир киши/куни ҳисобланади.

Ишланган киши/кунлари ишлаб чиқаришга сарф қилинган иш вақтини аниқ кўрсатмайди. Шунинг учун ҳам киши/куни ҳисобланганда иш куни орасида бўлган иш вақти йўқолишини аниқлаб бўлмайди.

Иш вақтининг аниқ ўлчови бўлиб ишланган киши/соати, яъни ҳақиқатда ишлаб чиқаришга сарфланган иш вақти ҳисобланади.

Иш вақтидан фойдаланиш кўрсаткичларини ҳисоблаш учун ишчи вақтининг календарь, табель ва энг юқори имкониятли вақт фондлари аниқланади.

Иш вақтининг календарь вақт фонди ўртача суткада рўйхатда бўлган ишчилар сонини календарь кунига кўпайтириш йўли билан аниқланади. Бу фонд ҳисобот даврида барча ишга келган ва ишга келмаган киши/кунлари йиғиндисига teng. Қуйидагилар унинг элементларидир:

- 1) байрам ва дам олиш кунлари;
- 2) навбатдаги таътиллар;
- 3) амалда ишланган киши/кунлари;
- 4) кун давомида бўш туришлар;
- 5) декрет таътиллари;
- 6) касаллик сабабли ишга келмаслик;
- 7) қонун бўйича ишга келмаслик;
- 8) маъмурият рухсати билан ишга келмаслик;
- 9) прогуллар.

З ва 9-элементлар йифиндиси биргалиқда юқори имкониятли иш вақти фондини ташкил этади. Шу фондга навбатдаги таътиллар қўшилса, табель иш вақти фонди ҳосил бўлади. Бу фондга байрам ва дам олиш кунлари қўшилиб, тўлиқ календарь иш вақти фонди ташкил этилади.

Календарь ва юқори имкониятли иш вақти фондидан фойдаланиш коэффициентлари куйидагича ҳисобланади:

1. Календарь иш вақти фондидан фойдаланиш коэффициентини аниқлаш учун амалда фойдаланилган иш вақти фонди календар иш вақти фондига бўлинади.

2. Юқори имкониятли иш вақти фондидан фойдаланиш коэффициентини аниқлаш учун амалда фойдаланилган иш вақти фонди юқори имконияти иш вақти фондига бўлинади.

Иш вақтидан фойдаланиш даражасини ўрганишда иш вақти балансини тузиш ва уни таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. У икки қисмдан иборат бўлиб, чап қисмида иш вақти ресурслари, ўнг қисмида эса календарь иш вақти фонди тизими келтирилади. Уни таҳлил қилиб, иш вақтидан фойдаланиш хақида фикр юритиш мумкин.

Иш вақти баланси

| Жорий йил бўйича иш вақти ресурслари | Киши/ соатлари | Иш вақти ресурсларидан фойдаланиш | | | |
|--|-------------------|--|------------------------|------------------------|--------------------------|
| | | | жами киши/ку- ни | ўртacha бир ходимга | жамига нисбатан, % |
| Ходимларнинг календарь иш вақти фонди (ўртacha рўйхатдаги ходимлар сонининг йилдаги календарь кунлар сонига кўпайтири- лади: 1000 · 365) | 365000 | Байрам ва дам олиш кунлари | 111000 | 11.0 | 30.4 |
| | | Мехнат таътиллари | 18000 | 18.0 | 4.9 |
| | | Ўқув таътиллари | 3000 | 3.0 | 0.8 |
| | | Декрет таътиллари | 36000 | 36.0 | 9.9 |
| | | Бетоблиги туфайли ишга келмаслик | 5000 | 5.0 | 1.4 |
| | | Қонунда белгиланган бошқа ҳолатлар бўйича ишга келмаслик | 1000 | 1.0 | 0.3 |
| | | Маъмурият рухсати билан ишга келмаслик | 2700 | 2.7 | 0.7 |
| | | Йўқотишлар | 200 | 0.2 | 0.1 |
| | | Амалда ишланган | 178100 | 178.1 | 51.5 |
| | | Баланс | 365000 | 365,0 | 100,0 |

Демак, календарь иш вақти фондининг 51,5 фоизидан амалда фойдаланилган, 47,7 фоизи узрли, 0,8 фоизи эса узрсиз сабаблар билан йўқотилган.

Қисқача хуросалар

Саноат меҳнат ресурслари статистикасида давлат ва нодавлат корхоналари ва ташкилотлари ходимларининг маълум вақтдаги сонини характерловчи кўрсаткичлар қўйидагилар ҳисобланади: рўйхатдаги ходимлар сони, ишга келганлар сони ва амалда ишлаганлар сони. Рўйхатдаги ходимлар сонига доимий, мавсумий ва вақтинча ишга қабул қилинган кишилар киради. Унга ишга келганлардан ташқари дам олиш кунларида, касаллиги сабабли, хизмат сафарида бўлган ва бошқа сабабларга кўра вақтинча ишга келмаган ходимлар ҳам киради. Турли ишларни бажариш учун четдан ёлланганлар (таъмирловчи, юк ташувчилар) ва амалиётдигилар рўйхатдаги ходимлар сонига кирмайдилар.

Назорат ва муҳокама учун саволллар

1. Саноат меҳнат ресурслари статистикасининг ўрганиш обьектларига нималар киради?
2. Корхона ходимлари сони ва таркиби қандай ташкил этилади?
3. Иш вақти балансини статистик таҳлил қилинг.

Асосий адабиётлар

1. Питер Фон Дер Липпе. Экономическая статистика. Учебник. Перевод с нем. Издатель: Федеральное статистическое управление. Германия, 1995.
2. В.М.Гальперин, С.М.Игнатьев, В.И.Моргунов. Микроэкономика. Т.I, Санкт-Петербург, «Экономическая школа», 1994.
3. Экономика и статистика фирм. Учебное пособие. Под. ред. проф. Ильеновой С.Д. -М.: Финансы и статистика, 1996.
4. А.Ф.Ревенко. Промышленная статистика в США. Учебник. -М.: Статистика, 1991.
5. В.Е.Адамов, Статистика промышленности, Учебник. -М.: Финансы и статистика, 1987.
6. Экономическая статистика. Учебник. Под рад. В.М.Прокурянова, М.Н.Фреймунд, М.Р.Этдельман. 3-е изд. -М.: Финансы и статистика, 1983.
7. Мировая экономика и международные отношения. РАН. Экономическая статистика в период перехода России к рыночной модели хозяйствования, М.1992.

8. Экономическая статистика. Учебник. Под ред. В.М.Проскурянова, М.Н.Фреймунд, М.Р.Этдельман. 3-е изд. М.: «Финансы и статистика», 1983.

IV боб

САНОАТДА МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИ СТАТИСТИКАСИ

4.1. Меҳнат унумдорлиги ва уни ўстириш омиллари

Меҳнат унумдорлиги - киши меҳнати орқали маълум вақт бирлиги ичida маълум миқдордаги истеъмол қиймати яратилишидир. Истеъмол қиймати ҳажмини оширишни икки хил йўл билан амалга ошириш мумкин:

- кўп киши меҳнатини сарфлаш билан;
- меҳнат унумдорлиги даражасини ошириш орқали.

Биринчи кўрсатгич сарфланган меҳнат ҳажмини ифодаласа, иккинчиси унинг сифатини ифодалайди. Булар корхоналар хўжалик фаолиятининг муҳим сифат кўрсаткичи ҳисобланади. Бозор иктисодиёти шароитида меҳнат унумдорлигини кўтариш йўли билан ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш энг самарали усул ҳисобланади.

Саноатда меҳнат унумдорлигининг тўхтовсиз ўсиб боришини қуидаги ҳолатлар такозо қиласди:

- 1) ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириб бориш;
- 2) меҳнат ресурсларининг чегаралангандиги;
- 3) моддий неъмат яратадиган ва яратмайдиган соҳа тармоқларини ривожлантириш;
- 4) иш куни қисқартирилиши, дам олиш кунларининг ортиши натижасида максимал имкониятли иш вақтининг қисқариши.

Меҳнат унумдорлиги статистикаси меҳнат унумдорлигининг тўхтовсиз ўсиб бориши қонунини конкрет шароитда корхона, тармоқ ва бутун саноатда ўрганади. У меҳнат унумдорлигининг даражаси, унинг динамикаси ва унга таъсир этувчи омилларни текширади.

Умуман, статистикада меҳнат унумдорлигига жуда кўп омиллар таъсир кўрсатади. Қуидагилар уларнинг энг асосийларидир:

- умумий иқтисодий омиллар (ишлаб чиқариш усувлари характери);
- табиий- иқлим шароити;
- техника тараққиётининг йўналиши;
- ишлаб чиқаришнинг ташкилий омиллари (ишининг маълумоти, малакаси, меҳнати ва ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши ва меҳнат интизоми).

Айрим тармоқ ва корхоналарда бу омиллар конкрет шароитга қараб янада майдалашиб кетади.

4.2. Мәхнат унумдорлигини аниқлаш усуллари

Мәхнат унумдорлиги даражаси ҳар хил усуллар ёрдамида аниқланади. У ёки бу усулни қўллаш қўйилган конкрет вазифа ва берилган маълумотларга боғлиқ бўлади.

Амалда мәхнат унумдорлиги даражасини аниқлашнинг қўйидаги усуллари мавжуд:

1) Бевосита натурал усул. (УқС/Т) – маҳсулот ҳажми бевосита натурал усулда ўлчанади. У ходимлар сони ёки ана шу маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланган вақтга бўлиниши натижасида 1 ходимга ёки сарфланган вақт бирлигига қанча маҳсулот тўғри келиши аниқланади. Бу усул бир хил маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарда кенг қўлланилади. (кўмир қазиб чиқариш, чуян қўйиш, газлама тўқиши ва х.к)

Бу усулни қўллаш маълум чегарага эга. Чунки:

- ишлаб чиқарилган маҳсулот бир хил бўлиши ва унинг умумий ҳажми бир хил натурал кўрсаткичда ўлчаниши керак.
- ишлаб чиқариш ялпи ёки серияли бўлиши ва технологик жараён узок бўймаслиги керак.

Шулардан маълум бўладики, бу усулни асосан иш жойи – бригада, цех ёки корхонадагина қўллаш мумкин. Мазкур усулнинг камчилиги шундаки, унда маҳсулот сифати ҳисобга олинмайди.

2) Шартли натурал усул. ОУқС*К/Т) - маҳсулот ҳажми шартли натурал усулда ўлчанади. У ходимлар сони ёки маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган вақтга бўлинади.

3) Мәхнат усули – муайян ҳажмдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланган вақт соатлари ва киши минутларида ўлчанади, сўнгра у ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига бўлинади. Натижада бир маҳсулотни ишлаб чиқариш учун қанча вақт сарфлангани аниқланади. Бу усулни фақатгина бир корхона чегарасида қўллаш мумкин.

Юқорида учала усулни қўллаш алоҳида корхона ёки тармоқ билан чегараланган.

4) Қиймат усули ОУққ(Q*Рп/Т) – мәхнат унумдорлиги даражасини аниқлашнинг энг кенг тарқалган ва универсал усулидир. Саноат маҳсулотлари ва кўрсатилган хизматлар учун белгиланган баҳони маҳсулот ҳажмига кўпайтириб, маҳсулотнинг қиймат шаклидаги ҳажми аниқланади ва ходимлар сони ёки сарфланган вақтга нисбатан олинади. Натижада 1 ходимга ёки сарфланган вақт бирлигига қанча маҳсулот тўғри келиши аниқланади.

4.3. Мәхнат унумдорлиги индекслари

Статистика мәхнат унумдорлигининг фақатгина даражасини аниқлабгина қолмай, унинг динамикасини ҳам текширади.

Мәхнат унумдорлиги индекси дейилганды, унинг динамикаси ёки ўзгаришига таъсир этувчи омиллар кучини характерловчи нисбий күрсатгичлар тушунилади. Шунга асосан мәхнат унумдорлиги индексларининг бутун бошли системаси мавжуд. Бинобарин, амалда қўлланилиши жиҳатидан асосий индекслар сифатида қўйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- 1) Ўзгарувчи таркибли индекс;
- 2) Доимий таркибли индекс (ўртача тортилган индекслар);
- 3) Структура ўзгаришлари таъсирини кўрсатувчи индекс;
- 4) Мәхнат усули билан аниқланган доимий таркибли агрегат индекслар.

Юқоридаги индексларни қўллашда икки хил оқим мавжуд: проф. Савинский А.В. ва проф. Бокланов Г.И. индекслари. Биз қўйида бу иккала индекснинг ҳам моҳиятини очишга ҳаракат қиласиз:

Шундай қилиб, умумий ўзгарувчи таркибли индекс қўйидагicha ҳисобланади:

Проф. Савинский А.В. фикри бўйича:

$$I_{\text{узгарувчи таркибли}} = \frac{\sum q_1}{\sum T_1} \div \frac{\sum q_0}{\sum T_0} = \overline{W}_1 \div \overline{W}_0 ;$$

Бунда: $\sum q_1$ ва $\sum q_0$ - жорий давр ва базис даврда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми;

$\sum T_1$ ва $\sum T_0$ - жорий давр ва базис даврдаги ходимлар сони ёки сарфланган вақт;

\overline{W}_1 ва \overline{W}_0 - жорий давр ва базис даврдаги ўртача мәхнат унумдорлиги даражаси.

Проф. Бокланов Г.И. фикри бўйича:

$$I_{\text{ъвгарувчи таркибли}} = \frac{W_1 d_{r_1}}{W_0 d_{r_0}} ;$$

Бунда: W_1 ва W_0 - жорий давр ва базис даврдаги айрим бўлимлар бўйича (индивидуал) мәхнат унумдорлиги даражаси;

d_{r_1} ва d_{r_0} - жорий давр ва базис даврдаги ходимлар сони ёки сарфланган вақт бўйича айрим бўлимлар улуши (салмоғи).

Доимий таркибли индекс айрим олинган бўлимлардаги меҳнат унумдорлигининг ўзгаришини ҳисоблаш мақсадида доимий таркибли индексдан фойдаланилади.

$$\text{Проф. Савинский А.В. фикри бўйича: } I_{\frac{\text{доимий}}{\text{таркибли}}} = \frac{\sum \left(\frac{q_1}{T_1} : \frac{q_0}{T_0} \right) \cdot T_1}{T_1} = \frac{\sum i \cdot T_1}{\sum T_1}$$

$$\text{Проф. Балласов Г.Н. фикри бўйича: } I_{\frac{\text{доимий}}{\text{таркибли}}} = \frac{\sum W_1 d_{T_0}}{\sum W_0 d_{T_0}};$$

Бунда: W_1 ва W_0 - жорий давр ва базис даврдаги айрим бўлимлар бўйича (индивидуал) меҳнат унумдорлиги даражаси;

d_{T_0} - базис даврдаги ходимлар сони ёки сарфланган вақт бўйича айрим бўлимлар улуши (салмоғи).

Ходимлар сони ёки сарфланган вақт бўйича таркибли ўзгаришларнинг умумий меҳнат унумдорлигига таъсирини аниқлаш учун таркиб индекси ҳисобланади. Бунинг учун ўзгарувчи таркибли индекс доимий таркибли индексга бўлинади.

Проф. Савинский А.В. фикри бўйича:

$$I_{\frac{\text{таркиб}}{\text{ўзгаришлари}}} = I_{\frac{\text{ўзгарувчи}}{\text{таркибли}}} \div I_{\frac{\text{доимий}}{\text{таркибли}}} = \left[\frac{\sum q_1}{\sum T_1} \div \frac{\sum q_0}{\sum T_0} \right] \div \left[\frac{\sum i \cdot T_1}{\sum T_1} \right].$$

Юқорида баён этилган меҳнат унумдорлиги индекслари орасида қуидагича боғланиш мавжуд:

$$I_{\frac{\text{ўзгарувчи}}{\text{таркибли}}} = I_{\frac{\text{доимий}}{\text{таркибли}}} \times I_{\frac{\text{таркиб}}{\text{ўзгаришлари}}}$$

$$\text{ёки } \frac{\sum W_1 d_{T_1}}{\sum W_0 d_{T_0}} = \frac{\sum W_1 d_{T_0}}{\sum W_0 d_{T_0}} \times \frac{\sum W_1 d_{T_1}}{\sum W_0 d_{T_0}}.$$

Мөхнат унумдорлиги индексларини қуйидаги шартли мисолда ўрганамиз

| Бўлим (цех)лар № | Базис давр | | | | Жорий давр | | | | Мөхнат унум- дорли- гининг инди- видуал индек- си |
|------------------------|--|--|--|--|--|--|--|--|--|
| | ишлаб чиқарил- ган маҳсулот (дона) | сарф- ланган вақт (минг киши/соа- ти) | умумий вақт сарф- лашдаги улуши (%) | бир киши/со- атида ишлаб чиқарил- ган маҳсулот (дона) | сарф- ланган вақт (минг киши/соа- ти) | сарф- ланган вақт (минг киши/соа- ти) | Умумий вақт сарф- лашдаги улуши (%) | бир киши/со- атида ишлаб чиқарил- ган маҳсулот (дона) | |
| | Q_0 | T_0 | d_{T_0} | W_0 | q_1 | T_0 | d_{T_0} | d_{T_0} | W_0 |
| N1 | 10000 | 250 | 38,5 | 40 | 25000 | 500 | 55,6 | 50 | 1,25 |
| N2 | 8000 | 400 | 61,5 | 20 | 10000 | 400 | 44,6 | 25 | 1,25 |
| Жами | 18000 | 650 | 100 | 27,7 | 35000 | 900 | 100 | 38,9 | 1,40 |

Проф. Савинский А.В. фикри бўйича:

$$1. I = \frac{\sum q_1}{\sum T_1} : \frac{\sum q_0}{\sum T_0} = \overline{W_1} : \overline{W_0} = \frac{3500}{900} : \frac{18000}{650} = 38,9 : 27,7 = 1,40 \text{ ёки } 140\%.$$

$$2. I_{\text{доимиий}} = \frac{\sum \left(\frac{q_1}{T_1} : \frac{q_0}{T_0} \right) \cdot T_1}{\sum T_1} = \frac{\sum i \cdot T_1}{\sum T_1} = \frac{1,25 \cdot 500 + 1,25 \cdot 400}{500 + 400} = \frac{625 + 500}{900} = 1,25 \text{ ёки } 125\%.$$

$$3. I_{\text{таркиб}} = I_{\text{ъвгарувчи}} : I_{\text{доимиий}} = 1,40 : 1,25 = 1,12 \text{ ёки } 112\%$$

Бу индекслар орасида қуйидагича боғланиш мавжуд:

$$\begin{aligned} 1,40 &= 1,25 \cdot 1,12 \\ 1,40 &= 1,40 \end{aligned}$$

Проф. Бокланов Г.И. фикри бўйича:

$$1) I_{\text{ъвгарувчи}} = \frac{\sum W_1 dT_1}{\sum W_0 dT_0} = \frac{50 * 55,6 + 25 * 44,4}{40 * 38,5 + 20 * 61,5} = \frac{27,8 + 11,1}{15,4 + 12,3} = \frac{38,9}{27,7} = 1,4 \text{ ёки } 140\%.$$

$$2) I_{\text{доимиий}} = \frac{\sum W_1 dT_0}{\sum W_0 dT_0} = \frac{50 * 38,5 + 25 * 61,5}{40 * 38,5 + 20 * 61,5} = \frac{19,2 + 15,3}{15,4 + 12,3} = \frac{34,5}{27,7} = 1,25 \text{ ёки } 125\%.$$

$$3) I_{\text{таркиб}} = \frac{\sum W_1 dT_1}{\sum W_1 dT_0} = \frac{50 * 55,6 + 25 * 44,4}{50 * 38,5 + 25 * 61,5} = \frac{27,8 + 11,1}{19,2 + 15,3} = \frac{38,9}{34,5} = 1,12 \text{ ёки } 112\%.$$

Бу индекслар орасида ҳам қуидагича боғланиш мавжуд:

$$\begin{aligned} 1,4 &= 1,25 * 1,12 \\ 1,4 &= 1,4 \end{aligned}$$

Жадвал маълумотларига қараганда биринчи цехда ҳам, иккинчи цехда ҳам меҳнат унумдорлиги даражаси жорий даврда базис давридагига нисбатан 25%га ортган. Ваҳоланки, иккала цех бўйича биргаликда ҳисоблаганде ўртача меҳнат унумдорлиги даражаси 40%га ошган. Демак, индивидуал индекслар билан умумий индекс орасида муҳим тафовут мавжуд. Бунга сабаб – умумий индексга бир вақтнинг ўзида 2 та омил таъсир кўрсатган:

- 1) Айрим цехлар бўйича меҳнат унумдорлигининг ўзгариши;
- 2) Жорий даврда базис давридагига нисбатан 1 ва 2-цехларда умумий вақт сарфлаш бўйича юз берган таркиб ўзгаришлари: меҳнат унумдорлиги даражаси юқори бўлган 1-цехининг улуши 38,5%дан 55,4%га ортган, шу билан бирга, меҳнат унумдорлиги даражаси паст бўлган 2-цехнинг улуши 61,5%дан 44,4%га камайган. Бу ҳолат бу икки омилнинг таъсирини алоҳида ўрганишни талаб қиласди. Шундан келиб чиқсан ҳолда доимий таркибли индекс 1,25 ва таркиб ўзгаришлари индекси 1,12.

Шундай қилиб, айрим цехлардаги меҳнат унумдорлиги даражасининг ўзгариши корхона бўйича меҳнат унумдорлиги умуман 25%га, таркиб ўзгаришлари эса 12%га кўтарилишига олиб келган.

Юқорида қайд этилган масалаларнинг ҳар бири иқтисодий моҳиятига, иқтисодий таҳлилда эса аҳамиятига эга.

Доимий таркибли индекслар моҳияти шундаки, улар корхонанинг айрим бўлимларида юз берган меҳнат унумдорлиги динамикасининг ўртача меъёрини билдиради. Шу вазифани бажариб, у ишлаб чиқариш айрим бўлимларидаги ютуқ ва камчиликларни ифодалайди.

Ўзгарувчи таркибли индекс айрим участкалардаги меҳнат унумдорлигининг ўзгаришини кўрсатибгина қолмай, ходимларнинг айрим участкалар бўйича тақсимланишида ҳосил бўлган қўшимча омилга ҳам таъсир кўрсатади.

Юқоридагилардан бу индексларни иқтисодиётда кенг қўллаш лозимлиги келиб чиқади.

Сарфланган тирик меҳнат ҳисобга олинадиган корхоналарда меҳнат унумдорлиги индекси меҳнат усули билан аниқланади:

$$I = \frac{\sum q_1 t_0}{\sum q_1 t_1}.$$

Бунда: q_1 – жорий йилда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми;

t_1 ва t_0 – бир дона маҳсулот ишлаб чиқариш учун жорий даврда ва базис

даврда сарфланган вақт.

Бу индекснинг сурати жорий даврдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш учун базис давр вақти сарфланса умумий сарфланган вақтни, маҳражи эса жорий даврда ишлаб чиқариш учун сарфланган вақтни билдиради. Индекснинг сурати билан маҳражи орасидаги фарқ иқтисод (ортиқча сарф) қилинган вақт миқдорини күрсатади. Масалан, пойабзal фабрикаси бўйича қуйидаги маълумотлар мавжуд:

| Маҳсулот турлари | ЖД и/ч (минг жуфт) | 1 жуфт ишлаб чиқариш учун сарфланган вақт (киши/соат) | | ЖД и/ч барча маҳсулот учун сарфланган вақт (минг киши/соат) | |
|------------------|--------------------|---|-------|---|----------------------|
| | | БД | ЖД | БД меҳнат сарфланган | ЖД меҳнат сарфланган |
| | q_1 | t_0 | T_1 | $q_1 t_0$ | $q_1 t_1$ |
| Ботинкалар | 120 | 2,0 | 1,9 | 240 | 228 |
| Туфлилар | 160 | 1,8 | 1,7 | 288 | 272 |
| | | | | 528 | 500 |

Фабрикада меҳнат унумдорлиги қуйидагича ўзгарган:

а) ботинкалар ишлаб чиқариш бўйича: $i = \frac{t_0}{t_1} = \frac{2,0}{1,9} = 1,052$ ёки 105,2%;

б) туфлилар ишлаб чиқариш бўйича: $i = \frac{t_0}{t_1} = \frac{1,8}{1,7} = 1,059$ ёки 105,9%;

с) иккала маҳсулот бўйича биргаликда: $I = \frac{\sum q_1 t_0}{\sum q_1 t_1} = \frac{528}{500} = 1,056$ ёки 105,6% .

Бунинг натижасида 28 минг киши/соати ($\sum q_1 t_0 - \sum q_1 t_1 = 528 - 500 = 28$ минг киши/соати) тежалган.

Маҳсулот, меҳнат унумдорлиги ва ишчилар сони индекслари **орасидаги боғланиш**.

Маҳсулот ҳажми ишчилар сони ва меҳнат унумдорлиги даражаси кўпайтмасига тенг.

Айнан шундай боғланиш шу кўрсаткичларнинг индекслари орасида ҳам мавжуд.

| Кўрсаткичлар | Режа | Амалда | Режани бажариш, % |
|---|------|--------|-------------------|
| 1. Ялпи маҳсулот (минг сўм, солиштирма баҳоларда) | 8000 | 8360 | 104.5 |
| 2. Рўйхатдаги ўртача ишчилар сони | 2000 | 1900 | 95.0 |
| 3. Бир ишчининг ўртача меҳнат унумдорлиги (сўм) | 4000 | 4400 | 110.0 |

Ялпи маҳсулот бўйича режанинг 104,5%га бажарилиши ишчилар сони ва меҳнат унумдорлиги бўйича режанинг бажарилишига боғлик бўлган.

Статистика олдида ялпи маҳсулот динамикасида бу омилларнинг мутлақ миқдорини аниқлаш ҳам туради. Ялпи маҳсулотнинг умумий мутлақ ўсиши $\Delta = 8360 - 8000 = +360 \text{ м.с.}$, шу жумладан:

a) ишчилар сони бўйича режанинг бажарилмаслиги
 $\Delta_T = (T_1 - T_0)W_1 = (1900 - 2000) \cdot 4400 = -440 \text{ м.с.}$

б) меҳнат унумдорлиги бўйича режанинг ортиқча бажарилиши.
 $\Delta_W = (W_1 - W_0)T_0 = (4400 - 4000) \cdot 2000 = +800 \text{ м.с.}$

4.4. Мехнат унумдорлиги ва иш вақти

Мехнат унумдорлиги маълум вақт бирлиги учун аниқланади, вақт бирлиги эса ҳар хил бўлади: йиллик, чораклик, ойлик ўртача ходимлар сони, ишланган киши/кунлари, киши/соатлари сони. Ана шу бирликларга нисбатан аниқланган меҳнат унумдорлиги даражаси ва сарфланган иш вақти орасида чамбарчас боғланиш мавжуд. Бу боғланиш шундан иборатки, маҳсулот ҳажмига маҳсулотни ишлаб чиқаришдаги меҳнат талаб қилинишигина эмас, балки иш вақтидан рационал фойдаланиш даражаси ҳам таъсир кўрсатади. Бу боғланишни ойлик ўртача меҳнат унумдорлиги, кунлик ўртача меҳнат унумдорлиги ва соатлик ўртача меҳнат унумдорлигини солиштириб ўрганиш мумкин.

Мехнат унумдорлиги ва сарфланган иш вақти орасидаги боғланишни ҳисоблаш

| Кўрсаткичлар | БД | ЖД | Индекслар |
|---|------|------|-----------|
| Ойлик ялпи маҳсулот (мс) | 4262 | 4407 | 103,4 |
| Ишчиларнинг ўртача сони | 1200 | 1250 | 104,2 |
| Ойдаги иш кунлари сони | 24 | 23 | 96,0 |
| Сменадаги иш соатлари | 7,4 | 7,3 | 98,7 |
| 1.Ишчининг ўртача ойлик меҳнат унумдорлиги даражаси (сўм) 1:2 | 3552 | 3526 | 99,5 |
| Ўртача кунлик меҳнат унумдорлиги даражаси (сўм) 1:3 | 148 | 153 | 103,6 |
| Ўртача соатлик меҳнат унумдорлиги даражаси 1:4 (мс) | 20 | 21 | 105,0 |

Жадвалда кўринишича, ҳар хил вақт бирлиги учун аниқланган меҳнат унумдорлигининг динамикасида тафовут мавжуд (99,5%; 103,6%; 105,0%). Ўртача кунлик ва йиллик меҳнат унумдорлигининг динамикасига иш вақтидан фойдаланиш даражаси таъсир кўрсатган. Чунончи, ўртача кунлик меҳнат унумдорлиги динамикасининг ўртача соатлик меҳнат унумдорлиги динамикасидан пасайиб кетганлигига сабаб иш сменасининг жорий даврда

базис даврга нисбатан қисқаришидир (7,3 соат ва 7,4 соат). Бунда қунлик меҳнат унумдорлиги динамикасини аниқлаш мумкин: 1 қ 105·98,7/100 қ 103,6 %.

Ўртача ойлик меҳнат унумдорлигининг ўртача қунлик меҳнат унумдорлигидан қолиб кетганлигига сабаб ойдаги иш қунлари камайиб кетлигидир (23 ва 24 иш қунлари). Бундан ойлик меҳнат унумдорлигининг динамикасини аниқлаш мумкин:

$$1 = 103,6 \cdot 96,0 / 100 = 99,5 \%$$
.

Бу хисобларнинг кўрсатишича, меҳнат унумдорлигини бир вақт учун эмас, балки ҳар хил вақт бирликлари учун аниқлаш лозим. Бу эса, ўз навбатида меҳнат унумдорлигига иш вақтидан фойдаланиш даражасининг таъсирини аниқлаш имконинини беради.

Қисқача хуносалар

Меҳнат унумдорлиги – киши меҳнатини маълум вақт бирлиги ичida маълум миқдордаги истеъмол қиймати яратা олиш қобилиятидир. Маълумки, истеъмол қиймати ҳажмини орттириш икки хил йўл билан амалга ошириш мумкин: кўп киши меҳнатини сарфлаш ва меҳнат унумдорлиги даражасини ошириш орқали. Биринчи кўрсатгич сарфланган меҳнат ҳажмини ифодаласа, иккинчиси унинг сифатини ифодалайди.

Шунинг учун ҳам меҳнат унумдорлиги корхоналар хўжалик фаолиятининг муҳим сифат кўрсаткичи ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат унумдорлигини кўтариш йўли билан ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш асосий интенсив усул ҳисобланади.

Назорат ва мухокама учун саволлар

1. Меҳнат унумдорлигини ўстириш омилларига нималар киради?
2. Меҳнат унумдорлиги даражасини аниқлашнинг қандай усуллари бор?
3. Меҳнат унумдорлиги индексларини тавсифланг.
4. Меҳнат унумдорлиги ва иш вақти ўртасидаги боғланишлар.

Асосий адабиётлар

1. Финансовые законодательство Республики Узбекистан. Т-10 -Т., 1994-96.
2. Питер Фон Дер Липпе. Экономическая статистика. Учебник. Перевод с нем. Издатель: Федеральное статистическое управление Германии. 1995.
3. В.М.Гальперин, С.М.Игнатьев, В.И.Моргунов. Микроэкономика. Т.1, Санк-Петербург, «Экономическая школа», 1994.
4. Статистика рынка товаров и услуг. Учебник. Под.ред.М.Беляевского. -М.: Финансы и статистика, 1995.

V боб

АСОСИЙ ФОНДЛАР СТАТИСТИКАСИ

5.1. Асосий фондлар ҳақида тушунча ва статистиканинг вазифалари

Саноат корхоналари ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириши учун маълум миқдордаги ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлишлари керак.

Ишлаб чиқариш предметлари (материаллар, хом ашё, ёқилғи ва ҳ.к.) ишлаб чиқаришда қайта ишланиши натижасида ишлаб чиқариш жараёни охирида тайёр маҳсулотга ўтиб кетади ва унинг ўзагини ташкил этади.

Ишлаб чиқариш фондлари (қуроллар, асбоб-ускуналар, транспорт, ўтказувчи қурилмалар ва ҳ.к.) ёрдамида ишчи кучи ишлаб чиқариш предметларини тайёр маҳсулотга айлантиради.

Асосий фондлар ишлаб чиқариш жараёнининг бир неча босқичларида иштирок этади ва вақт ўтиши билан аста-секин эскириб боради. Ишлаб чиқариш предметлари эса ишлаб чиқариш жараёнининг бир босқичида бутунлай ишлатилиб, маҳсулотга айланниб кетади.

Демак, тайёр маҳсулотга ишлаб чиқариш предметлари ўз қийматларини бутунлай ўтказади. Ишлаб чиқариш фондлари эса аста-секин эскириб боришига қараб ўтказади ва ишлаб чиқаришнинг бир неча босқичида қатнашади.

Шундай қилиб, асосий фондлар-қиймат (пул) шаклида ифодаланган, хизмат муддати 1 йилдан кам бўлмаган меҳнат воситалари йиғиндиси бўлиб, улар ишлаб чиқариш жараёнида узоқ вақт қатнашади ва қийматини тайёр маҳсулотга аста-секин, эскиришига қараб ўтказа боради.

Бу борада статистиканинг вазифалари қуйидагилар киради:

- асосий фондлар ҳажми ва тузилишини ўрганиш;
- асосий фондлар динамикасини ўрганиш;
- асосий фондлар ҳолатини характерлаш;
- асосий фондлардан фойдаланиш даражасини ўрганиш.

5.2. Асосий фондларни таснифлаш

Саноат корхонасининг асосий фондлари бажарадиган ҳар хил вазифалари биноан турли-туман шаклларда учрайди. Шунинг учун уларни тўғри таснифлаш муҳим аҳамиятга эга.

Ишлаб чиқаришда қатнашадиган асосий фондларни статистика ишлаб чиқаришдаги технологик вазифасига қараб таснифлайди ва улар З қисмга ажратилади:

1) Ишлаб чиқаришнинг суюк ва мускул тизими (станоклар, машиналар, аппаратлар ва ҳ.к.).

2) Ишлаб чиқариш томонидан сўриладиган тизимлар (омборлар, ўтказувчи қурилмалар, транспортёрлар ва ҳ.к.).

3) Ишлаб чиқариш жараёни меъёрида ўтиши учун шароит яратувчилар (иморатлар, иншоотлар, ва ҳ.к.).

Шунга асосланиб, статистик режалаштириш ва ҳисобда асосий фондларнинг натурал қўриниши ва технологик вазифасига қараб асосий фондлар 9 та гурухга ажралади:

- 1.Иморатлар;
- 2.Иншоатлар;
- 3.Ўтказувчи қурилмалар;

4.Машина ва ускуналар.

Шу жумладан:

- а. кувватли машина ва ускуналар;
- б. Ишчи машина ва ускуналар.

Улардан:

- а. автоматик машина ва ускуналар;
- б. ўлчайдиган ва тўғрилайдиган асбоблар;
- в. ЭҲМлар.
5. Транспорт воситалари;
6. Асбоб ва ускуналар;
7. Ишлаб чиқариш ашё ва анжомлари;
8. Хўжалик анжом-ашёлари;

9. Бошқа асосий фондлар.

Бу туркумлаш, асосий фондлар таркиби бўйича маълумот олиш, техник ўзгаришларни билиш, асосий фондлар эскириши ва амортизациясини тўғри аниқлаш ҳамда уларни яратувчи тармоқларни режалаштириш имконини беради.

Бу туркумлаш, асосий фондларнинг фаол қисмини(меҳнат предметига таъсир этувчи қисми) ажратиш имконини яратади. Саноатда уларга қувватли машина ва ускуналар, ишчи машина ва ускуналар, ўлчов асбоблари, лаборотория ускуналари ва асбоб-ускуналари киради. Илмий-техника тараққиёти натижасида асосий фондлар ичida фаол қисмининг салмоғи таборо ортиб боради ва бу ҳолат, ўз навбатида, ишлаб чиқариш самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

5.3. Асосий фондларни баҳолаш

Асосий фондларнинг ҳар бири ёки уларнинг бир гурухи натурал кўрсаткичда ҳисобга олинади. Масалан, печлар – фойдаланиш майдони m^2 , яшайдиган иморатлар – сонда ва фойдаланиш майдони m^2 да.

Асосий фондларни бундай кўрсаткичларда ҳисобга олиш кўп иқтисодий масалаларни ҳисобга олишда ишлатилади.

Шунга қарамай, асосий фондларнинг ҳолати ва ишлатилиши ҳақидаги умумий кўрсаткичларни аниқлашда, уларни гурухлашда, тармоқ ёки бутун саноатнинг асосий фондлари ҳажмини аниқлашда қиймат (пул) шаклида баҳолаш муҳим аҳамиятга эга. Бу шакл асосида йиллик амортизация меъёри ва суммаси аниқланади, асосий фондлар баланси тузилади.

Амалиётда асосий фондларни қуйидагича баҳолаш усуслари қўлланилади:

1. Тўлиқ қиймати бўйича:
 - а. бош-бирламчи баҳо;
 - б. тикланишдаги баҳо.
2. Эскирган қисмини ажратиш қиймати бўйича:
 - а. бош-бирламчи баҳо;
 - б. тикланишдаги баҳо.
3. Йўқотишдаги баҳо.

Асосий фондларни сотиб олиш, олиб келиш, ўрнатишдаги амалий харажатлар йиғиндиси асосий фондларнинг тўлиқ бирламчи – бош қиймати деб аталади. У асосий фондларни баҳолашнинг асосий тури ҳисобланади.

Тиклаш қиймати эса шу қийматнинг ҳозирги баҳоларда ифодаланишидир. Курилиш материалларини ҳозирги баҳосида, ҳозирги вакт транспорт харажатларида ва ҳ.к. Бу баҳо асосий фондларни қайта баҳолаш натижасида қўйилади.

Эскирган қисмини ажратиш қиймати деб, тўлиқ бирламчи қиймат ёки тиклаш қийматидан эскирган қисм қиймати айриб ташлангандан кейин коладиган қийматга айтилади.

Эскириб, ишлаб чиқаришдан чиқариб ташлашдаги қиймати йўқотиш қиймати дейилади.

Ҳар хил иқтисодий ҳисботлар учун асосий фондларни тўғри баҳолаш муҳим аҳамиятга эга. Бундай баҳони асосий фондларни инвентаризация қилиб ва қайта баҳолаб билиш мумкин.

5.4. Асосий фондларнинг эскириши, амортизация суммаси ва меъёри

Асосий фондлар амартизацияси – уларнинг жисмоний ва маънавий томондан эскиришини пул шаклида ифодалашдир. Шу билан бирга амортизация асосий фондлар қийматининг тайёр маҳсулотга ўтказган қисмини белгилайди. Жисмоний эскириш уларни ишлатиш натижасида ҳосил бўлади.

Маънавий эскиришнинг эса 2 тури мавжуд:

- мавжуд асосий фондларга нисбатан унумлироғи ишлаб чиқарилганда;
- мавжуд асосий фондларга нисбатан арzonроғи ишлаб чиқарилганда.**

Жисмоний ва маънавий эскиришнинг пулда ифодаланиши ҳисобланган амортизация ажратмалари аста-секин йиғила бориб, амортизация фондини ташкил этади. Бу фонд ҳисобидан асосий фондлар бутунлай ёки қисман

тикланиб борилади. Статистика асосий фондлар амортизациясини ўрганишда йиллик амортизация суммаси ва амортизация меъёрини бир-биридан ажратади.

Йиллик амортизация суммаси йил давомида ажратилган амортизация суммалари йигиндиси бўлиб, у қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$A_n = \frac{БББ + ЙХ - ЙБ}{Т};$$

Бунда: БББ – объектнинг тўлиқ бош бирламчи баҳоси;

ЙХ – ишлатиб бўлинган объектни йўқотиш харажатлари (демонтаж, ажратиш, бузиш ва ҳ.к.);

ЙБ – объектни йўқотиш вақтида олинган материаллар, деталлар ва бошқа сотишдан тушган тушум;

Т – объектнинг хизмат кўрсатиш даври.

Ўзбекистонда амортизация ажратмалари қонун бўйича факат уларни янгилашга сарфланади (чунки уларни таъмирлаш харажатлари жорий харажатларга ҳисобланниб, маҳсулот таннархига қўшилади).

Амортизация ажратмалари бош, бирламчи ёки тиклашдаги тўлиқ баҳосига нисбатан маҳсус ўрнатилган меъёр асосида амалга оширилади. Бу меъёр асосий фондларнинг турларига қараб табақалаштирилган ва улар бир йилга ҳисобланади: $N_a = \frac{A \cdot 100}{БББ}$. Ҳар ойлик амортизация суммасини аниқлаш учун унинг бир йиллик суммасини ҳисоблашнинг икки усули мавжуд: профессионал-чизиқли ва тезлаштирилган усуллар.

Профессионал-чизиқли усулда объектнинг қиймати унинг бутун хизмат қилиш даврида ҳар бир баробар равишда амалга оширилади. Масалан, агар объектнинг хизмати даври 5 йил бўлса, унда унинг балансдаги қийматининг 1/5 қисми қопланади ёки амортизациянинг чизиқли меъёри 20%га teng бўлади.

Асосий фондлар актив қисмининг тезлаштирилган амортизация меъёри ишлаб чиқаришни таркибан ўзгартириш ва уни модернизация қилиш учун мўлжалланган. У амортизация меъёрининг икки марта кўпайтирилган ҳажмига teng бўлиб, объектнинг қолдиқ қийматига нисбатан қўлланади.

Мисолимизда икки марта кўпайтирилган чизиқли амортизация меъёри 40%га teng. У ҳолда объектнинг қиймати 2000 минг сўм бўлсин. Амортизация ажратмалари фойдаланишнинг биринчи йилида 800 минг сўм бўлади ($2000 \text{ сўм} \cdot 0,4$). Биринчи йил ишлатиб бўлингач, қолдиқ қиймат – 1200 сўм ($2000 - 800$). Объектнинг қолдиқ қийматига нисбатан иккинчи йил амортизация ажратмалари 480 минг сўмга teng ($1200 \cdot 0,4$). Фойдаланишнинг бошқа йиллари учун ҳам амортизация ажратмалари шундай ҳисобланади.

Амортизация ажратмалари асосий фондлар учун янги капитал маблағларни молиялаштиришга ёки қурилиш материаллари, ускуналар ёки номатериал активларни сотиб олиш учун узоқ муддатли молиявий қўйилмаларга сарфланади.

Узоқ муддат фойдаланиладиган асосий фондларни яратиш ва сотиб олиш учун қилинган харажатлар узоқ муддатли инвестициялар деб аталади. Бу харажатлар жорий йил харажатлариға киритилмайды.

Инвестициялашнинг моҳияти шундаки, кейинроқ фойда олиш учун маълум лойиҳаларга капитал қўйилади. Инвестицион лойиҳаларнинг шакллари ва мазмуни янги корхонани қуришни режалаштиришдан тортиб, то асосий капиталнинг янги элементларини сотиб олишигача бўлиши мумкин.

Корхоналардаги асосий фондлар қиймати тинмай ўзгариб туради. Уларнинг кўпайишига қўйидаги омиллар таъсир этади:

- сотиб олиш;
- қуриш;
- инвентаризация давридаги баҳосининг ортиши.

Камайиши эса:

- эскирган сабабли йўқотиш;
- бошқа корхоналарга сотиш;
- табиий офат натижасида йўқотилиш;
- инвентаризация даврида баҳоси камайиши.

Асосий фондлар ҳақидаги маълумотларга асосан корхона ва тармоқлар бўйича уларнинг тўлиқ қиймати бўйича баланси тузилади:

$$\mathbf{ОФ}_0 = \mathbf{П} - \mathbf{В} = \mathbf{ОФ}_1$$

Бунда: $\mathbf{ОФ}_0$ - асосий фондларнинг йил бошидаги қолдиғи;

$\mathbf{ОФ}_1$ - асосий фондларнинг йил охиридаги қолдиғи;

$\mathbf{П}$ - асосий фондларнинг келиши;

$\mathbf{В}$ - асосий фондларнинг чиқиши.

Масалан, тармоқда йил бошида 6000 м. с. асосий фонд мавжуд эди. Йил давомида ишлаб чиқаришга 1200 м.с. асосий фонд киритилди ва 200 м.с. асосий фонддан чиқарилди. У ҳолда асосий фондларнинг баланси қўйидагicha тузилади:

$$\begin{aligned} &6000 + 1200 - 200 = 7000 \\ &7000 - 7200. \end{aligned}$$

5.5. Асосий фондларни тақрор ишлаб чиқариш

Асосий фондларнинг тақрор ишлаб чиқариш жараёнини таҳлил қилиши учун уларнинг эксплуатация ҳолати, эскириш даражаси ва улардан фойдаланишини характерлаш бўйича маълумотга эга бўлмоқ керак.

Асосий фондларнинг эскириш даражаси мутлақ ва нисбий кўрсаткичларда ифодаланади.

Масалан, қайсиadir тармоқнинг асосий фондлар қиймати 10 млрд. сўм Унинг қолдиқ қиймати эса 8 млрд. сўм. Бундай ҳолда унинг эскирганлари

суммаси 2 млрд. сўм бўлади. Эскириш коэффициенти қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$\text{Эскириш коэф.} = \frac{\hat{\Phi}_0 - \hat{\Phi}_1}{\Phi_0}$$

Бу ерда: Φ_0 - асосий фондларнинг бошланғич қиймати;
 $\hat{\Phi}_1$ - қолдиқ қиймати.

Эскириш коэффициенти яроқлилик коэффициенти билан узвий боғлиқдир. Эскириш коэффициенти қанча кичик бўлса, яроқлилик коэффициенти шунча катта бўлади ва аксинча. Агар коэффициент «1» дан эскириш коэффициентини айириб ташласак, яроқлилик коэффициентига эга буламиз.

Масалан, юқоридаги мисолимизда эскириш коэффициенти $\kappa 10-8$ $\kappa 0,2$ ёки 20%; Яроқлилик коэффициенти $\kappa 1-0,2$ $\kappa 0,8$ ёки 80%.

Асосий фондларнинг такрор ишлаб чиқариш суръатини характерлаш учун уларни янгилаш коэффициенти қўлланилади.

$$\text{Янгилаш коэффициенти} = \frac{\text{ЯК}}{\Phi_1};$$

Бу ерда: ЯК – янги киритилган асосий фондлар қиймати;
 Φ_1 – асосий фондларнинг йил охиридаги қиймати.

Бундан ташқари чиқиш коэффициенти ҳам қўлланилади.

Чиқиш коэффициенти = ЕВ / Φ_0 .

Бунда: ЕВ – чиқарилган асосий фондлар қиймати;

Φ_0 – асосий фондларнинг йил бошидаги қиймати.

Асосий фондларнинг ҳаракати ва ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар

| Кўрсаткичлар номи | Ҳисоблаш усули |
|---|--|
| 1. Ҳаракат кўрсаткичлари 1.1. Киритиш коэффициенти | Янги киритилган асосий фондлар қиймати |
| 1.2. Янгилаш коэффициенти | Асосий фондларнинг йил охиридаги қиймати Янги киритилган асосий фондлар қиймати |
| 1.3. Чиқариш коэффициенти | Асосий фондларнинг йил охиридаги қиймати Чиқиб кетган асосий фондлар қиймати |
| | Асосий фондларнинг йил бошидаги қиймати Йўқотилган асосий фондлар қиймати |

| | |
|-------------------------------------|---|
| 2. Ҳолатини ифодаловчи күрсаткичлар | Асосий фондларнинг йил бошидаги қиймати |
| | Эскириш суммаси |
| 2.1. Эскириш коэффициенти | Асосий фондларнинг тўлиқ қиймати |
| | Қолдиқ қиймати |
| 2.2. Яроқлилик коэффициенти | Асосий фондларнинг тўлиқ коэффициенти |

Бу күрсаткичлар асосий фондлар баланси маълумотлари асосида тузилади.

Асосий фондлар ҳажми ва ҳолати баланси

| Йил бошидаги ҳажми | Йил давомида киритилди | | Йил давомида чиқарилади | | Йил охирида-ги ҳажми |
|--------------------|------------------------|-----------------------------------|-------------------------|--------------------------|----------------------|
| | жами | шу жумла-дан, янги асосий фондлар | жами | шу жумла-дан, йў-қотилди | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| 4250 | 1230 | 600 | 200 | 150 | 5280 |

Шу маълумотлар асосида асосий фондлар ҳажми ва ҳолатини ифодаловчи күрсаткичларни ҳисоблаймиз:

- Киритиш K^t : $K_k = \frac{1230}{5280} \cdot 100 = 23,2\%$;
- Янгиланиш K^t : $K_y = \frac{600}{5280} \cdot 100 = 11,4\%$;
- Чиқариш K^t : $K_u = \frac{200}{4250} \cdot 100 = 4,7\%$;
- Йўқотиш K^t : $K_{\ddot{u}} = \frac{150}{4250} \cdot 100 = 3,5\%$;
- Яроқлилик K^t : $K_{\vartheta} = \frac{3850}{5280} \cdot 100 = 72,9\%$;
- Эскириш K^t йил охирига: $K_s = \frac{3850}{5280} \cdot 100 = 72,9\%$.

Ушбу маълумотлар асосида йил охирида асосий фондлар эскириш суммаси (мутлақ қиймат)ни ҳам ҳисоблаш мумкин: турли қиймат ва эскириш суммаси орасидаги фарқ: 5280-3850=1430 минг сўм.

У ҳолда эскириш K^t га teng бўлади:

$$\frac{1430}{5280} \cdot 100 = 27,1\% \text{ ва } K_T = 100 - 27,1 = 72,9\%.$$

Худди шундай кўрсаткичларни йил бошига нисбатан ҳам ҳисоблаш мумкин. Шунингдек, эскириш коэффициентини ҳам ҳисобласа бўлади. Эскириш коэффициенти асосий фондлар қийматининг маҳсулотга ўтказилган қисмини, яроқлилик коэффициенти эса, асосий фондларнинг эскирмаган қисми қийматини ифодалайди.

Асосий фондлардан фойдаланиш даражасини характерлаш учун ҳар бир сўмлик асосий фондда ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлиги (фонд қайтими) қўлланилади. Уларнинг динамикасини ўрганишда асосий фондлар ҳам, маҳсулотлар ҳам ўзгармас баҳоларда белгиланади. Масалан,

| | 1998 йил | 1999 йил |
|--|----------|----------|
| Асосий фондларнинг йиллик ўртача баҳоси (м.с.) | 6000 | 8000 |
| Ялпи маҳсулот (м.с.) | 9000 | 14400 |

Аниқлансан:

1. 2001 ва 2002 йилларда асосий фондлардан фойдаланиш даражаси.

2. 2002 йилларда қуидаги омилларнинг маҳсулот ҳажми ўзаришига таъсири.

а) асосий фондлардан яхшироқ фойдаланиш натижасида;

б) асосий фондлар ҳажмининг ортиши.

$$1) 2001 \text{ й.} = 9000 / 6000 = 1,5 \text{ сўм}$$

$$2002 \text{ й.} = 14400 / 8000 = 1,8 \text{ сўм}$$

маҳсулот ҳажмининг умумий ўсиши:

$$2) 14400 - 9000 = 5400 \text{ млн. сўм.}$$

$$a) 0,3 \cdot 8000 = 2400$$

$$1,5 \cdot 2000 = 3000 / 5400.$$

Демак, 5400 млн. сўмлик қўшимча маҳсулотнинг 2400 млн. сўмлиги яхшироқ фойдаланиш, 3000 млн. сўмлиги асосий фондларни қўпайтириш ҳисобига олинган. Фонд қиймати қайтими кўрсаткичи тўғри кўрсаткич, унинг тескари кўрсаткичи фонд талабчанлиги кўрсаткичи ҳисобланади: $h = \frac{\phi}{q}$ ва у бир

бирлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун неча бирлик фонд талаб қилинишини ифодалайди. Бу кўрсаткич қанча кичик бўлса, самарадорлик шунча юқори бўлади.

Жамиятнинг моддий-техник базаси яратилган сари меҳнатнинг асосий фондлар билан қуролланиши ортиб боради. Бу кўрсаткич асосий фондлар қийматини корхонадаги ходимлар сонига ёки энг қўп ишчи ишлаган сменадаги ишчилар сонига бўлиш орқали аниқланади.

Масалан, корхона асосий фондлари қиймати – 12 млн. сўм. Энг қўп ишчилар ишлаган сменадаги ишчилар сони 12000 киши.

Мехнат фонд билан қуролланғанлиги = 12млн. / 12000 киши = 10 минг. сүм.

Демак, ҳар бир ишчи 10000 минг сүмлик асосий фондлар билан қуролланған. Бу күрсаткичнинг ортиши меҳнат унумдорлиги ортишига олиб келади.

Қисқача холосалар

Ишлаб чиқариш предметлари (материаллар, хом ашё, ёқилғи ва ҳ.к.) ишлаб чиқаришда қайта ишланиши натижасида ишлаб чиқариш жараёнининг охира тайёр маҳсулотга ўтади. Ишлаб чиқариш фондлари (қуроллар, асбоб-ускуналар транспорт, ўтказувчи қурилмалар ва ҳ.к.) ёрдамида ишчи кучи ишлаб чиқариш предметларига тайёр маҳсулот олиш учун таъсир этади. Асосий фондлар ишлаб чиқариш жараёнининг бир неча актларида иштирок этади ва аста-секин эскириб боради. Ишлаб чиқариш предметлари эса ишлаб чиқариш жараёнининг бир актида бутунлай ишлатилиб, маҳсулотга тўлиқ ўтиб кетади.

Демак, тайёр маҳсулотга ишлаб чиқариш предметлари ўз қийматларини бутунлай бир ишлаб чиқариш актида қолдиқсиз ўтказади. Ишлаб чиқариш фондлари эса аста -секин эскириб боришига қараб ўтказади ва ишлаб чиқаришнинг бир неча актида қатнашади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Асосий фондларнинг моҳияти ва статистиканинг вазифалари нималардан иборат?
2. Асосий фондларнинг таснифланиши.
3. Асосий фондларни баҳолаш усулларини айтиб беринг
4. Асосий фондларнинг эскириши, суммаси ва мөъёри ҳақида сўзлаб беринг
5. Асосий фондларнинг тўлиқ ва қолдиқ қиймати бўйича баланси ҳақида нималар биласиз?
6. Асосий фондлардан фойдаланиш кўрсаткичи ҳақида-чи?

Асосий адабиётлар

1. А.Ф.Ревенко. Промышленная статистика в США. Учебник. -М. Статистика, 1991.
2. В.Е.Адамов, Статистика промышленности, Учебник. -М.: Финансы и статистика, 1987.
3. Қ.Ҳамдамов, У.Махамадалиев. Микроиктисод асослари. -Т.: Ўқитувчи, 1994.
4. Э.Эгамбердиев. Микроиктисодиёт асослари. -Т.: Ўқитувчи, 1995.
5. А.Ўлмасов, М.Шарифхўжаев. Иқтисодиёт назарияси. -Т.: Мехнат, 1995.

VI боб

АЙЛАНМА ФОНДЛАР СТАТИСТИКАСИ

6.1. Айланма фондлар таркибини статистик ўрганиш

Айланма фондлар – бир йилдан кам хизмат қиласидиган, қиймати 15 минимал иш ҳаққидан кам бўлган, ишлаб чиқариш жараёнида бир марта ишлатиладиган ва ўз қийматини тайёр маҳсулотга бутунлай ўтказиб юборадиган активлардир.

Материал айланма маблағлар заҳираси қуидагилардан ташкил топади: хом ашё ва материаллар қайта ишлашга мўлжалланган қимматбаҳо металлар ва тугалланмаган ишлаб чиқариш, ташқарига чиқарилган маҳсулот ва қайта сотиш учун мўлжалланган товарлар, чет элда бўлган, лекин шу мамлакат аҳолисининг мулки заҳираларининг ортиши (бунда хориж худудлари мулки заҳирасининг ўсиши эътиборга олинади).

Бухгалтерия ҳисобида муайян предметлар «тез ишлатиладиган ва кам баҳоли предметлар» (асбоб, инвентар ва мосламалар) деб аталади. Бухгалтерия ҳисоби бўйича бундай предметлар ишлаб чиқариш жараёнига ўтказилиши, уларнинг қиймати харажатларга қўшиб юборилиши ҳам, ёки 50 фоизи харажатларга қўшилиб, 50 фоизини аста-секин ишлатилишига қараб харажатларга қўшиб юбориш ҳам мумкин.

Айланма фондлар таркибида, аввало, материал-буюм элементлари (айланма маблағлар), сўнгра пул маблағлари ва қисқа муддатли молиявий маблағлар (облигациялар, векселлар ва ҳ.к.лар) ажратилади.

Қисқа муддатли молиявий қўйилмалар, ҳисботдаги маблағлар ва пул маблағлари таркиби корхоналар фаолиятининг асосий йўналишига (ишлаб чиқарувчи ёки савдо-воситачилик характеристидаги фаолият) боғлиик эмас.

Лекин айланма фондларнинг материал-мулк элементлари таркиби корхоналарнинг фаолиятига боғлиқ. Агар корхона ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланса, у ҳолда мулкнинг асосий қисми ишлаб чиқариш заҳираларидан ва тайёр маҳсулотлардан ташкил топади. Агар корхона таъминот, савдо-воситачилик вазифасини бажарса, у ҳолда асосий ўринни сотишга мўлжалланган товарлар эгаллайди.

Умуман, корхоналар айланма фондлари таркибини бухгалтерия ҳисобининг мавжуд бўлган счёtlарига мослаштириб, таснифлаш мумкин.

6.2. Айланма фонд ҳажмини ва айланшишини аниқлаш

Айланма фонд ҳажмини икки даврда – маълум кунга (одатда, чоракнинг охиригү куни) ёки жорий даврдаги ўртача ҳажми бўйича аниқлаш мумкин.

Айланма фонdlарнинг маълум кунга бўлган ҳажмини бухгалтерия баланси маълумотлари ёки бухгалтериянинг синтетик ва аналитик ҳисоблари маълумотлари асосида аниқлаш мумкин.

Айланма фонdlарнинг ўртача қолдигини аниқлаш учун берилган маълумотларга асосан ўртача арифметик ($O = \frac{O_0 + O_6}{2}$) ёки ўртача хронологик формуладан $O = \frac{O_{6/2} + O_1 + O_2 + O_3 + O_{0/2}}{n - 1}$ фойдаланилади.

Масалан, корхона айланма фонdlари қолдиғи чорак бошида 240 млн.сўм, охирида 260 млн.сўм бўлса, у ҳолда ўртача қолдиқ 250 млн.сўм бўлади.

Агар маълумотлар ҳар бир чорак бошига берилган бўлса:

| | | | | | |
|----------------------------------|-----------|-----------|-----------|-----------|-----------|
| Йилнинг ҳисобот кунлари: | 1.01.2003 | 1.04.2003 | 2.07.2003 | 1.10.2003 | 1.01.2004 |
| Айланма фонд қолдиғи, млн.сўм | 240 | 280 | 200 | 290 | 300 |

$$\text{У ҳолда, } \bar{O} = \frac{240/2 + 280 + 200 + 290 + 300/2}{5-1} = 275 \text{ млн.сўм.}$$

Айланма фонdlар қолдигининг ўзгаришига сабаб шундаки, ишлаб чиқариш жараёнининг бошида мавжуд бўлган заҳиралар ишлаб чиқариш томонидан сўрилади. Уларни тиклаш маҳсулотларни сотиш натижасида олинган молиявий маблағлар ҳисобидан амалга оширилади. Умуман, бу жараённи айланма фонdlарнинг айланшиши деб аташ мумкин:

M3 → МИЧ → ИЧ → СТТ

Бунда: М3 – материаллар заҳираси;

МИЧ – маҳсулотларнинг ишлаб чиқаришда ишлатилиши;

ИЧ – ишлаб чиқариш жараёни;

СТТ – сотишдан тушган тушим.

Айланма фонdlарнинг айланшиш тезлигини аниқлаш учун шу даврда сотилган маҳсулотлар ҳажмини айланма фонdlарнинг ўртача қолдигига бўлинади:

$$K_{\text{айл}} = \frac{\text{СТТ}}{\bar{O}}.$$

Бу кўрсаткичнинг моҳияти шундаки, у айланма фонdlарнинг давр мобайнида неча марта айланганини ифодалайди. Масалан, корхона

маҳсулотларини сотишдан тушган тушим 2000 млн. сўм, айланма фондларнинг ўртача қолдиги 400 млн. сўм. У ҳолда $K_{айл}$ қ 2000/400=5 марта айланган.

Шундан бир айланиш учун керак бўлган кунлар сонини ҳам ҳисоблаш мумкин:

$$K = T / K_{айл}$$

Бунда: $K_{айл}$ – айланиш коефициенти;

T – давр узунлиги (ой – 30 кун, чорак – 90 кун, йил – 360 кун).

Мисолимизда $K = \frac{T \cdot O}{CTT} = \frac{360 \cdot 400}{2000} = 72$ кунда бир марта айланади.

Бу кўрсаткич қанчалик кичик бўлса, айланма фондлар самарадорлиги шунчалик юқори бўлади.

6.3. Бир бирлик маҳсулотни ишлаб чиқариш учун қилинган харажат

Бир бирлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун қилинган харажатни аниқлаш учун шу турдаги сарфланган барча моддий харажат натурал ҳолатда (M) ишлаб чиқарилган, ишга яроқли маҳсулот ҳажми(q)га бўлинади:

$$M = M : q$$

Бу кўрсаткични ҳам меъёр бўйича, ҳам амалдагисини қўйидаги схема асосида аниқлаш мумкин:

| Нисбий харажат – жами | | | | | |
|-----------------------|--------------------------------------|---------------------------|------------------|--------------------|--|
| Фойдали харажат | Чиқиндилар | | | Бракдан йўқотув | |
| | фойдаланадиган | | фойдаланмайдиган | | |
| | материаллардан | Ишлов бериш вақтида | | | |
| | ишлаб чиқаришга киритиш жараёнида | | | | |

Фойдали харажат ишчи чизмалар, технологик карталар ва бошқа технологик карталар – хужжатлар асосида аниқланади ва у бир дона маҳсулот таркибида моддалардан қанча борлигини ифодалайди. Масалан, бир столнинг ҳажми (150x 70 см) ва қолдиги 2 см. бўлса, унга сарфланадиган ДСП микдори 0,021 м³ бўлади (150x70x21000 см³ ёки 0,021 м³).

Материалларни ишлаб чиқаришга киритиш жараёнидаги чиқинди шу ҳолатда пайдо бўладики, қачонки бевосита омборда берилган ҳажм (размер)лар бўйича материаллар бичилса (масалан, пўлат парчасини металл конструкциялар цехига узатиш учун берилган узунлик бўйича бўлакларга ажратилса). Бунда утиллаштириш мумкин бўлган чиқиндилар ҳам ҳосил бўлади (қийқиндиларни металломга топшириш мумкин ёки қайта эритса ҳам бўлади), уларни мавжуд технолгия бўйича ишлатиш мумкин эмас.

Цехларда ишлов беришда ҳосил бўлган чиқиндилар фойдаланадиган ва фойдаланиломайдиганларга ажратилади. ДСПни цехда қайта ишлаш вақтида ишлатиладиган чиқитлар (қирқилган рейка ва ҳ.к) билан бирга ишлатиб бўлмайдиган (кесишида ҳосил бўлган қипиқлар, текислаш вақтида ҳосил бўлган чанг ва ҳ.к.) чиқиндилар ҳам ҳосил бўлади.

Бракдан йўқотувчилар ҳар хил сабабларга кўра ҳосил бўлади (сифатсиз материалларни ишлатишдан, қайта ишловчи технологиялар бузилишидан, ишчи айби билан, ноқулай асбоб ишлатишдан ва ҳ.к.). Бракдан амалдаги йўқотувни аниқлаш учун ҳосил бўлган маҳсулотнинг соф вазни (размери) олинади, чунки сифатли ва брак маҳсулотни, ишлаб чиқаришдаги чиқиндиларни алоҳида-алоҳида ҳисоблаб бўлмайди.

Умуман, амалиётда нисбий харажатларни камайтиришнинг З хил усули мавжуд: маҳсулотлар тузилишини мукаммаллаштириш; қайта ишлов вақтида чиқиндиларни қисқатириш (мукаммал технологияларни қўллаш натижасида) ва бракни йўқотиш.

Материал харажатлар ишлаб чиқариш харажатлари ичида катта салмоққа эга бўлгани учун нисбий харажатларни доим назорат қилиб туриш лозим. Бунинг учун индекс усулидан кенг фойдаланилади.

Оддий ҳолатда бир хил маҳсулот ишлаб чиқаришда, бир хил материал ишлатилса, қуйидаги формула ишлатилади:

$$i_m = m_1 / m_0;$$

Бунда: m_1 – жорий даврда бир бирлик маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланган материал ҳажми;

M_0 – шунинг базис даврдагиси.

Кўриниб турибдики, касрнинг сурати билан маҳражи орасидаги фарқ нисбий харажатларнинг ўзгариши натижасида олинган иқтисод ёки ортиқча сарф ҳажмини ифодалайди:

$$\vartheta_m = m_1 - m_0;$$

Агар умумий иқтисод ёки ортиқча сарф ҳажмини аниқлаш лозим бўлса, у ҳолда бу кўрсаткични амалда ишлаб чиқарилган барча маҳсулот ҳажмига кўпайтирилади:

$$\vartheta_m = (m_1 - m_0) \cdot q_1$$

Амалиётда ишлаб чиқарилган барча маҳсулотлар турлари бўйича умумий нисбий харажатлар индекси ва умумий иқтисод (ортиқча сарфлаш) ҳажмини ҳам ҳисоблаш лозим бўлади. Нисбий харажат индекси ҳар хил маҳсулотлар маҳсулотларни ишлаб чиқаришда қўлланилади. Шунинг учун умумий индексни олиш мақсадида ҳар хил материаллар бирлиги пулда баҳоланади. Бунда базис даврдаги (P_0) ёки жорий даврдаги (P_1) баҳодан ўзгармас баҳо сифатида

фойдаланиш мүмкін. У ҳолда, умумий индекс құйидаги хисобланади:

$$I_m = \frac{\sum m_1 p_0 q_1}{\sum m_0 p_0 q_1};$$

Бунда: m_1 ва m_0 – шу турдаги материалларнинг маҳсулот турлари ҳар бир бирлиги учун сарфланган ҳажми;

p_0 – материаллар бирлигининг базис даври баҳоси, у икки солиширилган давр учун ҳам үзгармас қилиб олинади;

q_1 – жорий даврда ишлаб чиқарылған маҳсулотларнинг турлари бўйича ҳажми.

Бу индексининг сурати билан маҳражи орасидаги фарқ нисбий харажати үзгариши натижасида пул шаклидаги умуман материаллар бўйича кўрилган иқтисод ёки ортиқча сарф ҳажмини ифодалайди. Буни хисоблашни қўйидаги шартли мисолда кўриб чиқамиз:

| Маҳсулотларнинг ўлчов бирлиги | Ишлаб чиқарылган | Материалнинг номи ва ўлчов бирлиги | Маҳсулот бирлиги минг сўм | Маҳсулот бирлигига сарфланган нисбий харажат | | Маҳсулот бирлигига сарфланган умумий материал, минг сўм | |
|-------------------------------|------------------|---|---------------------------|--|--------|---|-----------|
| | | | | Меъёр бўйича | Амалда | Меъёр бўйича | Амалда |
| - | q_1 | - | P_0 | m_1 | m_0 | $m_0 p_0$ | $m_1 p_0$ |
| Ўқувчилар учун столар, дона | 500 | Плита ДСП, м ³ | 120,0 | 0,040 | 0,035 | 4,80 | 4,20 |
| | | Ёғоч, 4 бурчакли, дона | 40,0 | 4 | 5 | 160,00 | 200,00 |
| | | Жами | - | - | - | 164,80 | 204,20 |
| Ошхона ўтиргичлари, дона | 100 | Плита ДСП, м ³ | 120,0 | 0,002 | 0,003 | 0,24 | 0,36 |
| | | Ёғоч, 4 бурчакли, дона | 40,0 | 4 | 4 | 160,00 | 160,00 |
| | | Чиройли ишлов берувчи ёғоч м ³ | 5,0 | 0,25 | 0,16 | 1,25 | 0,80 |

Жадвалда берилган маълумотларга кўра, ўқувчилар учун ишлаб чиқарылган 500 та стол стол учун – $204,2 * 500 = 102100$ минг сўмлик, 1000 та ошхона ўтиргичлари учун – $161,16 * 1000 = 161160$ минг сўмлик материал сарфланган. Меъёр бўйича эса, уларга столлар – $161,49 * 1000 = 161490$ минг сўмлик материал сарфланиши керак эди.

Шуларни ҳамма материаллар бўйича ўртача нисбий харажатлар индекси:

$$J_m = \frac{\sum m_1 p_0 q_1}{\sum m_0 p_0 q_1} = \frac{102100+161600}{82400+161460} = \frac{263260}{243890} = 1.079 \text{ ёки } 107,9\%$$

Бунинг маъноси шундан иборатки, ўртача нисбий харажат меъёрга нисбатан 7,9 фоизга ортиқча сарфланган, натижада материаллар бўйича 19370 минг сўм (263260-243890) ортиқча ишлатилган. Бундан кўриниб турибдики, асосий ортиқча материал сарфлаш столлар ишлаб чиқаришда юз берган (102100-82400 19700 минг сўмлик), ошхона ўтиргичларини ишлаб чиқаришда эса 330 минг сўм тежалган (161600-161490 330 минг сўмлик).

Шундай қилиб, айланма фонdlар асосий фонdlардан тубдан фарқланади. Улар бир ишлаб чиқариш циклида иштирок этадилар, ишлаб чиқариш харажатлари таркибида юқори салмоққа эга. Уларни белгиланган меъёр асосида сарфлаш бозор иқтисодиётида муҳим аҳамият касб этади.

Қисқача хуносалар

Айланма фонdlар асосий фонdlардан фарқли ўлароқ, бир ишлаб чиқариш циклида қатнашади ва ўз қийматини тайёр маҳсулотга бутунлай ўтказиб юборади.

Уларни ўрганишда статистика қўйдаги кўрсаткичлар тизимидан фойдаланади: ўртача қолдиқ, заҳираларнинг айланиш тезлиги, бир бирлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган материаллар ҳажми ва ҳоказолар. Бозор иқтисодиёти талабларига кўра, корхоналар айланма фонdlаридан тежаб-тергаб, самарали фойдаланишлари лозим.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Айланма фонdlар таркиби нималардан ташкил топади ва уларнинг манбаи нимада?
2. Айланма фонdlарни ўрганишда статистика қандай кўрсаткичлар тизимидан фойдаланади?
3. Бир бирлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган материал ҳажми ва унинг индекслари.

Асосий адабиётлар

1. А.Ф.Ревенко. Промышленная статистика в США. Учебник. -М.: Статистика, 1991.
2. В.Е. Адамов. Статистика промышленности. Учебник. -М.: Финансы и статистика, 1987.
3. Қ.Хамдамов, У. Махамадалиев. Микроиктисодиёт асослари. -Т.: Ўқитувчи, 1994.
4. Э.Эгамбердиев. Микроиктисодиёт асослари. -Т.: Ўқитувчи, 1995.
5. А.Ўлмасов, М.Шарифхўжаев. Иқтисодиёт назарияси. -Т.: Меҳнат, 1995.

VII боб. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАШИНА ВА УСКУНАЛАРИ СТАТИСТИКАСИ

7.1. Ишлаб чиқариш ускуналари ва уларнинг таснифлари

Ишлаб чиқариш ускуналари ҳам асосий фондларнинг актив қисми ҳисобланиб, улар ёрдамида кишилар табиий бойликларни қазиб оладилар ёки эҳтиёжларини қондирадиган маҳсулотларни ишлаб чиқарадилар (кирқувчи машиналар, кўмир комбайинлари ёки домна, мартен печлари металл қирқувчи станоклар, йигириув ва тўқув станоклари ва хоказо). Улар хилма-хил вазифаларни бажарадилар. Уларни статистик жиҳатдан ўрганиш учун тўғри таснифлаш муҳим аҳамиятга эга.

Таснифлашда биринчи муҳим белги сифатида уларнинг меҳнат - предметига таъсир этиш усули қабул қилинган ва З гурухга ажратилган:

- 1) механик ускуналар - улар меҳнат предметига механик йўл билан (кесиш, майдалаш) билан таъсир ўтказади (металл қирқувчи станоклар, тўқув станоклари, босма машиналар);
- 2) термик ускуналар - улар меҳнат предметларига маълум ҳарорат асосида таъсир ўтказадилар (домна печлари);
- 3) кимёвий ускуналар – улар меҳнат предметларига кимёвий реакциялар ёрдамида таъсир этувчилар (реакторлар, эритгичлар, электролит ванналар).

Бу белгидан ташқари ишлаб чиқариш ускуналари меҳнат предметларини қайта ишлаш, ихтисослашиш ва автоматлашиш даражасига қараб ҳам таснифланади.

7.2. Ускуналарнинг ҳолати ва сонини характерловчи кўрсаткичлар

Ускуналардан рациональ фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Бу ўз навбатида, ускуналарнинг ҳолатига, мукамаллашиш даражасига, ёшига, физик ва маънавий эскириш даражасига боғлиқ. Буни аниқлаш учун эксплуатацион ва техник ҳолатга тавсиф берилади. Ускуналарнинг фойдаланиш ҳолатини аниқлаш учун улар қуйидаги гуруҳларга бўлинади: 1. Ўрнатилган ускуналар, шу жумладан: а) ҳаракатдагилар; б) ҳаракат этмаётганлар; в) Ишга тушиб олдида турганлар; 2 .Ўрнатилмаган ускуналар: а) у корхонада ўрнатиладиган ускуналар; б) шу корхона учун ортикча бўлган ускуналар..

Ўрнатилган ва ўрнатилмаган ускуналар биргаликда мавжуд ускуналар сонини ташкил қиласди.

Эксплуатация ҳолатини характерлаш учун қуйидаги кўрсаткичлар қўлланилади:

- ўрнатилган ускуналардан фойдаланиш коэффициентини аниқлаш учун ҳаракатдаги ускуналар сони ўрнатилган ускуналар сонига бўлинади;
- мавжуд ускуналардан фойдаланиш коэффициентини аниқлаш учун ҳаракатдаги ускуналар сони мавжуд ускуналар сонига бўлинади.

Ускуналар техник ҳолатини аниқлаш учун улар қуидаги гурухларга бўлинади:

- ишга яроқли ускуналар;
- ишга яроқли ёки капитал таъмрталаб ускуналар;
- ишга яроқсиз, чиқариб юбориш лозим бўлган ускуналар.

Бу гурухлашлар ускуналардан фойдаланишни таҳлил қилиш учун ишлатилади. Шунинг учун ўрнатилмаган ускуналарга алоҳида эътибор берилади ва ҳар йили 1 январда статистика органлари уларни ҳисобга оладилар. Бу материаллар тармоқлар бўйича ва ускуналар турлари бўйича ишлаб чиқилади.

Маълумки, баъзи ишлаб чиқариш ускуналари тўхтовсиз ишлатилади (домна ва мартен печлари, атом ва химик реакторлар), баъзи ускуналар эса тўхтаб-тўхтаб ишлайди. Улардан фойдаланишни билишда сменали коэффициенти ишлатилади. Бу кўрсатгич бир неча сменада ишлайдиган корхоналарда қўлланилади. У ҳар куни бир станокнинг ўртача неча сменада ишлаганини ва шу ускуналар билан сменалар сонини ортириб, ишлаб чиқариш ҳажмини қанча ошириш мумкинлигини кўрсатади. У ўртача тортилган арифметик формуладан фойдаланиб аниқланади:

$$C_{\text{сменалик}} K^T = \Sigma X P / \Sigma P$$

Бунда: X - сменалар сони, P - ускуналар сони.

Масалан, цехда 1 суткада ҳаммаси бўлиб, 60 станок ишлайди. Шулардан 1 сменада – 6 таси ишлади.

2 сменада – 10 таси ишлади.

3 сменада – 44 таси ишлади. Сменали коэффициент (π) аниқлансин?

Сменали $K = (1 * 6 + 2 * 10 + 3 * 44) / (6 + 10 + 44) = 158 / 60 = 2,7$ смена.

Демак, шу куни ҳар бир станок ўртача 2,7 сменада ишлаган ва сменали режим 90% га ($2,7 / 3,0 \cdot 100$) фойдаланилган. Натижада 8 станок сменаси ($0,3 * 60$) йўқотилган.

Ускуналарни сони бўйича қуидаги категорияларга ажратадилар (маълум кун ёки давр бўйича):

1) Мавжуд ускуналар – қаерда бўлиши ва ҳолатига қарамай корхоналарнинг инвентарь рўйхатига киритилган ва балансига ўтказилган ускуналардир;

2) Ўрнатилган ускуналар - булар фойдаланишга топширилган станоклар, машиналар, механизмлардир. Тошлириш вақти далолатномада кўрсатилади;

3) Амалда ишлаган ускуналар - булар ишлаб чиқаришда фойдаланилган станоклар, машиналар ва ҳоказолардир;

4) Режали таъмирдаги ускуналар - булар режа бўйича таъмирга қўйилган станоклар, машиналар ва ҳоказолар.

5) Захирадаги ускуналар - ишга яроқли, лекин режа бўйича захирага қўйилган ускуналар.

6) Тўхтаб турган ускуналар- режа бўйича ишлиши лозим, лекин у ёки бу сабабга кўра амалда ишламаган ускуналар;

7) Ишлаб чиқаришга керак бўлмаган ускуналар. Ускуналарни бундай категорияларга ажратиш ишлаб чиқариш заҳираларини аниқлаш имконини беради. Масалан: ҳозирги кунда ўрнатилган ускуналарнинг 80 – 85 % и амалда ишлайди, қолгани ишлаб чиқариш заҳираси ҳисобланади.

Ускуналардан вақт бўйича фойдаланишни аниқлаш учун улардан фойдаланилган ва фойдаланилмаган вақтни ҳисобга олиш зарур.

Амалиётда ускуналарнинг қуидаги вақт фонdlари ажратилади: тўлиқ календарь вақт фонди - бу бир станок учун бир ойда 720 соатга ($24 \cdot 30$) тенг бўлиб, бир неча станоклар учун эса уларнинг сонига кўпайтирилиб аниқланади ҳамда уларнинг ишлаган ва ишламаган вақтлари йиғиндисига тенг бўлади.

7.3. Ускуналардан фойдаланишни характерловчи сифат кўрсаткичлари тизими

Ҳар кандай корхона маълум режим асосида ишлайди. Кўпчилик корхоналарда умумий дам олиш куни, сменалар узунлиги ва сменалар орасида танаффуслар мавжуд. Шунинг учун улар календарь фондидан тўлиқ фойдаланмайдилар. Календарь фонди билан юқоридаги вақтлар орасидағи қолдик режим вақти фондни ташкил этади. Бу станок учун бир ойда сменанинг узунлиги, сменалар сони ва иш кунларининг кўпайтмасига тенг. Масалан, корхона 2 смена ишлайди, 21 иш куни, смена узунлиги 8,2 соат. Унда режим вақти 344 соатга тенг бўлади ($8,2 \cdot 2 \cdot 21$). Агар режим вақтидан режали таъмир ва захира вақти айириб ташланса, фойдаланиш мумкин бўлган вақт фонди келиб чиқади. Бу, одатда, ускуналар режали вақт фондига тўғри келади.

Фойдаланиш мумкин бўлган иш вақти фондидан ҳам ҳар хил сабабларга кўра тўлиқ фойдаланилмайди. Шунинг учун ускуналарнинг иш вақти фонди фойдаланиш мумкин бўлган вақт фондидан тўхтаб туриш вақтига камроқ бўлади. Шу билан бирга иш вақтида ҳам ускуналар қисман фаол, қисман суст қатнашадилар. Ускуналарнинг суст иштироки тайёрланиш, тугатиш ва ёрдамчи вақт билан ўлчанади. Шу вақтларни амалда ишлаган вақтдан айириб ташлаб, ускуналардан амалда фойдаланиш вақти ёки машина вақти фондини аниқлаш мумкин.

Бу вақт фонdlарини мутлақ миқдорда ўрганиш билан бирга статистика улардан фойдаланиш коэффициентларини ҳамда экстенсив фойдаланиш коэффициентларини аниқлайди.

Ишлаб чиқариш ускуналаридан фойдаланишнинг иккинчи томони улар ёрдамида ишлаб чиқариш маҳсулоти ҳажми билан ифодаланади. Улардан интенсив фойдаланишни ифодалаш учун вақт бирлиги ичida ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми олинади:

$$Y = q / T_{\text{ш}} \quad \text{ёки} \quad Y = q / T_{\Phi}.$$

Мазкур кўрсаткичларнинг икки даврдагиси солиштирилиб, бу соҳадаги ютуқ ёки камчиликлар аниқланади:

$$1 \text{ к} \cdot \text{У}_1 / \text{У}_0.$$

Ишлаб чиқариш ускуналаридан тўлиқ фойдаланишни характерлаш учун

$$K_t \cdot K_{\text{жест}} \cdot K_{\text{интен}} \text{ ёки } K_t = \frac{\text{Амалда ишлаб чиқарилган маҳсулот}}{\text{Ишлаб чиқариш мумкин бўлган маҳсулот}}.$$

Корхонанинг қуввати деб, йил давомида белгиланган номенклатура бўйича энг кўп ишлаб чиқариш мумкин бўлган маҳсулот ҳажмига айтилади.

Бу кўрсаткич корхонанинг ишлаб чиқариш воситалари тўлиқ, илгор технологияларини қўллаб, ишлаб чиқариш ва меҳнат рациональ равишда ташкил этилган ҳолда ҳисобланади. Бинобарин, бунда ўлчов сифатида тор жойлар эмас, балки цех ва участкаларда тўлиқ қувватлар ҳисоби олинади ва режада бу тор жойларни йўқотиш кўзда тутилади.

Қувват конкрет маҳсулотлар ўлчов бирлигига ўлчанади. Масалан, кўмир шахталари учун кўмир ҳажми, мартин печлари учун эритилган пўлат ҳажми ва х.к.лар.

Ҳар хил маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналарда эса қувват ҳар хил маҳсулотлар ҳажми билан аниқланади. Масалан, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводида қувват ер ҳайдаш агрегати, ўрим агрегати, терим агрегати сони билан ўлчанади.

Корхонанинг йил охиридаги қуввати қуйидагича аниқланади:

$$M_0 = M_b + M_p + M_{kk} + M_k - M_z$$

Бунда: M_0 – йил охиридаги ишлаб чиқариш қуввати;

M_b – йил бошидаги ишлаб чиқариш қувват;

M_k – янги қурилиш ва кенгайтириш ҳисобига қўшилган қувват;

M_p – корхона руконострукция қилиш ҳисобига орттирган қувват;

M_{kk} – техник жиҳоздан қайта қуролланиш ва бошқа ташкилий техник ҳисобига ортган (камайган) қувват;

M_z – ускунанинг эскириши ҳисобига чиқариб юборилган қувват.

Корхона қувватининг ўртача даражаси баланс усули бўйича аниқланади:

$$\bar{M}_{\text{йил}} = M_b + \sum \frac{M_n Z_n}{12} - \sum \frac{M_v \cdot \chi_v}{12};$$

Бунда: M_n – йил давомида киритилган қувват;

χ_n – киритилган қувватнинг ишлаш ойлари сони;

M_v – йил давомида чиқарилган қувват;

χ_v – чиқарилган қувват ишламаган ойлари сони.

Масалан, йил охирида корхонада 6 та пресс мавжуд, ҳар бирининг қуввати – 24 млн. дона бирлик эди. 1 апрель куни 2 та пресс олиб қўйилди. 1 июнь куни 30 млн. дона бирлик қувватга эга бўлган 2 та пресс ўрнатилди. У ҳолда ўртача йиллик қувват тенг бўлади:

$$\overline{M}_{\text{йил}} = 6 \cdot 24 + \frac{30 \cdot 7}{12} + \frac{30 \cdot 6}{12} - \frac{2 \cdot 24 \cdot 9}{12} = 120,5 \text{ дона.}$$

Хар бир маҳсулот бўйича ишлаб чиқариш қуввати натурал ўлчов бирликларида аниқланади. Хар хил маҳсулот ишлаб чиқариладиган корхоналарда ҳам натурал ўлчов бирликлари қўлланади. Қиймат ўлчов бирликлари фонд қайтими, фонд талабчанлиги ва ишлаб чиқариш қувватлари орасидаги боғланишни ифодалаш учун ҳам керак бўлади.

Корхона қувватидан фойдаланишни статистик ифодалаш учун қувват бирлигидан амалда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмини режадаги маҳсулот ҳажмига бўлиб аниқланади.

$$\text{Фойдаланишт} = \frac{K_{\text{амалда}}}{K_{\text{режа}}} ;$$

Бунда: $K_{\text{амалда}}$ - қувват бирлигидан амалда ишлаб чиқарилган маҳсулот; $K_{\text{режа}}$ - қувват бирлигидан режа бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулот.

$$K_{\text{амалда}} = \frac{Q_{\text{амалда}}}{M_{\text{амалда}}},$$

Режа кўрсаткичи ҳам шу усул билан аниқланади.

Қисқача холосалар

Ишлаб чиқариш ускуналари ҳам асосий фондларнинг актив қисми ҳисобланиб, улар ёрдамида кишилар табиий бойликларни қазиб оладилар ёки эҳтиёжларини кондирадиган маҳсулотларни (қирқувчи машиналар, комбайнлар ёки домна, мартен печлари металл қирқувчи, йигирув ва тўқув станоклари ва ҳоказо) ишлаб чиқарадилар. Улар хилма-хил вазифаларни бажарадилар. Уларни статистик жиҳатдан ўрганиш учун тўғри таснифлаш муҳим аҳамиятга эга.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Ишлаб чиқариш ускуналари ва улар қандай таснифланади?
2. Ускуналарнинг ҳолати ва сонини ифодаловчи қўрсаткичлар тизими ҳақида сўзлаб беринг.
3. Ускуналардан фойдаланишни ифодаловчи сифат кўрсаткичлари тизими ҳақида нималарни биласиз?
4. Корхоналар қуввати ва улардан фойдаланиш кўрсаткичлари деганда нимани тушунасиз?

Асосий адабиётлар

1. «Давлат статистикаси тўғрисида». Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонулари. 2002й., 12 декабр.
2. Госкомпрогнозстат. Государственная программа перехода Республики Узбекистан на принятую в международной практике систему учета и статистики. Утверждена Каб.Мином. Республики, 14 сентября 1994 г. № 344.
3. В.Е.Адамов, Статистика промышленности, Учебник.М. «Финансы и статистика» - 1987.
4. М.Р. Ефимова, Е.Б. Петросова, В.Н.Румянцев, Общая теория статистики, Учебник -М.: Инфра, 1996г.
5. Институт Мировой Экономики и международных отношений. Экономическая статистика в период перехода России к рыночной модели хозяйствования. -М., 1992.
6. Экономическая статистика. Учебник. Под рад. В.М.Проскурянова, М.Н.Фреймунд, М.Р.Этдельман. З-е изд. -М.: Финансы и статистика, 1983.
7. Статистика рынка товаров и услуг. Учебник. Под.ред.М.Беляевского. -М.: Финансы и статистика, 1995.

VIII боб. ҚУВВАТЛИ МАШИНА ВА УСКУНАЛАР СТАТИСТИКАСИ

8.1. Ўзбекистон Республикаси энергетика хўжалиги ва статистиканинг бу соҳадаги вазифалари

Ўзбекистон Республикаси энергетика хўжалиги моддий неъмат ишлаб чиқаришнинг муҳим тармоғи ҳисобланади. У саноат ишлаб чиқаришининг мустақил тармоғи (энергетика) ва айрим бошқармаларнинг энергетик хўжалиги йиғиндисидан ташкил топади. Энергетика хўжалиги ҳажми, унинг ўсиш суръати макроиқтисодиёт ва энергия ишлаб чиқариш ривожланишида муҳим роль ўйнайди.

Ўзбекистон энергетикаси қўйидаги муҳим хусусиятларга эга:

1. Тез ўсиш суръатига.
2. 1958 йилгача ГЭСларни қуриш тез суръатларга эга бўлса, ундан кейинги вақтларда ТЭЦларни қуриш тез суръатларга эга. Йирик ГЭСларни қуриш 6 - 8 йилни талаб килса, йирик ТЭЦларни қуриш 2-3 йилни талаб қиласди.
3. Йирик ГЭС ва ТЭЦлар қурилиши.
4. ГЭСларда катта қувватли турбогенератор ишлатилади. Улардаги турбиналар қуввати 125—300 минг кВт.
5. Ягона энергетик система барпо этилиши ва электр энергияни узоқ масофаларга узатиш.

Юқоридаги хусусиятлар энергетик ускуналар аҳамиятини ифодалайди ва шундан статистиканинг вазифалари келиб чиқади. Саноат корхонасидаги энергетик хўжалик бўйича:

1. Энергетик ускуналар сони ва ҳолатини ўрганиш;
2. Энергетик ускуналар қувватини характерлаш;
3. Энергетик ускуналар иш вақти ва ишлаб чиқарилган энергия ҳажмини аниқлаш;
4. Энергетик ускуналардан фойдаланишни характерлаш;
5. Энергетик ускуналар фойдали ҳаракати даражаларини аниқлашдан иборатдир.

8.2. Энергетик ускуналар классификацияси ва уларнинг қувватлари йиғиндисини аниқлаш

Энергетик машина ва ускуналарнинг вазифаси табиий (сув, шамол, қуёш) энергияни механик энергияга айлантириш ва бир тур энергияни иккинчи тур энергияга айлантиришдан иборат. Корхоналарнинг бундай ускуналари жуда кўп ва хилма-хил (пар ускуналари, двигателлар, электр аппаратлар, трансформаторлар ва ҳ.к.).

Статистика олдида уларни классификациялаш вазифаси туради, аввало улар ичida двигателлар муҳим ўринни эгаллайдилар. Статистика уларни икки

гурухга бирлаштиради.

1. Бирламчи двигателлар — булар табиий табиий энергияларни механик энергияга айлантириб берадилар (пар машиналари, сув турбинаси ва ҳ.к.).

2. Иккиламчи двигателлар — булар бир тур энергияни иккинчи турга айлантириб берадилар:

электр генераторлар — механик энергияни электр энергияга;

электр моторлар — электр энергияни механик энергияга;

электр аппаратлар — электр энергияни иссиқлик энергиясига.

Булар ҳақидаги маълумотни саноат корхоналарининг йиллик статистик ҳисоботидан олиш мумкин (уларнинг сони ва қуввати).

Энергетик ускуналарни характерлайдиган асосий кўрсаткичлардан бири корхона ёки корхоналар гурухида ўрнатилган энергетик ускуналари қуввати йифиндисидир.

Буни аниқлаш қўйидаги принципиал талабларга жавоб бериши керак:

1. Такорий ҳисоблашга йўл қўймаслик;

2. Механик ва электрик ўтказгичлар қувватини алоҳида аниқлаш;

3. Алоҳида энергетик ускуналар қувватланиш манбанини ҳисобга олиш;

4. Алоҳида корхоналарда ўрнатилган ҳамма қувватларни ҳисобга олиш.

Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда, қувватлар йифиндиси қўйидагича аниқланади:

$$M_{\text{суммаси}} = M_{\text{бирламчи дв.}} + M_{\text{эл. Мот}} + M_{\text{эл. апп.}}$$

Энергетик ускуналарнинг бажарган иши ишлаб чиқарилган ва фойдаланилган энергия ҳажми билан белгиланади ва қўйидаги формула ёрдамида кВт / соатларда аниқланади:

$$\mathcal{E}_{\text{суммаси}} = \mathcal{E}_{\text{бирламчи дв.}} + \mathcal{E}_{\text{эл. Мот}} + \mathcal{E}_{\text{эл. апп}}$$

Станцияларнинг ўртача соатлик қувватини аниқлаш учун барча ишлаб чиқарилган қувватлар йифиндиси станциянинг иш вақтига бўлинади. Унинг иш вақти деб биргина бўлса ҳам двигатель ишлаб турган вақтга айтилади. Иш вақтини аниқлаш учун 24 соатдан унинг ишламай турган вақти айриб ташланади.

Масалан, станцияда 4 двигатель ишлаган. Сутка давомида биринчи двигатель соат 2 дан 10 гача ишлади ва 3500 кВт соат энергия ишлаб чиқарди, иккинчи двигатель 3 дан 11 гача ишлади ва 4800 кВт соат энергия ишлаб чиқди, учинчиси 3 дан 12гача ва 17 дан 24 гача ишлади 9800 кВт соат энергия ишлаб чиқди, туртинчиси эса 13 дан 21 гача ишлади 2400 кВт соат энергия ишлаб чиқди. Алоҳида двигателлар ва станциянинг умумий бир соатлик қуввати қўйидаги тартибда аниқланади:

$$1) \mathcal{E} = 3500 \text{ кВт / с} : 8 \text{ соат} = 437,6 \text{ кВт/с.}$$

$$2) \mathcal{E}_{\text{д.в.}} = 4800 \text{ кВт / с} : 8 \text{ соат} = 600 \text{ кВт / с.}$$

$$3) \mathcal{E}_{\text{д.в.}} = 9800 \text{ кВт / с} : 14 \text{ соат} = 700 \text{ кВт / с.}$$

$$\mathcal{E}_{\text{1- д.в.}} = 2400 \text{ кВт / с} : 11 \text{ соат} = 218 \text{ кВт / с.}$$

$$\mathcal{E}_{\text{станция}} = (3500 + 4800 + 9800 + 2400) : (24 - (2+1)) = 932 \text{ кВт/с.}$$

Энергетик ускуналардан фойдаланишни характерлаш учун қўйидаги

сифат кўрсаткичлари системасидан фойдаланилади: 1. Ускуналардан вақт бўйича фойдаланиш.

$K_{\text{энер. фой-ш}} = \text{Амалда ишланган вақт} / \text{Календарь вақт}$.

2. Ускуналардан қувват бўйича фойдаланиш (интенсив K)

$$K_{\text{интен.фой-ш}} = \frac{\text{Бўтча соатлик қувват}}{\text{Соатдаэнг кышишчи. мумкинбылан қувват}} .$$

3. Ускуналардан ҳам вақт, ҳам қувват бўйича фойдаланиш

$$K_{\text{интен. фой-ш}} = \frac{\text{Амалда иш.чикарилган қувват}}{\text{Ўїа ёйи ишчилармумкинбўлган қувват}} .$$

Маълумки, электр энергияни катта электр станцияларида ишлаб чиқариш фойдали. Шунинг учун электр таъминотини марказлаштириш муҳим роль ўйнайди ва у умуман ишлатилган электр энергияси ичида марказий системадан олинган электр энергияси салмоғини кўрсатади.

Бу коэффициентнинг ўсиши электр энергия ишлаб чиқариш учун ажратилган маблағдан самарали фойдаланилганини билдиради.

8.3. Энергетик баланслар

Энергетик баланслар икки қисмдан ташкил топади: чап қисмида ресурслар: ўнг қисмида ресурслардан фоидаланиш.

Унинг материал балансдан фарқи шундаки, унда давр боши ва охирида қолдик бўлмайди. Бу баланслар энергиянинг келиш манбалари нималарга сарфланишини аниқлаш имконини беради. Унинг маълумотларига асосланиб ишлаб чиқаришда фойдаланилган ҳар хил энергиялар ичида электр энергияси салмоғи, йўқотилган энергия ҳажмини ва ундан яхшироқ фойдаланиш заҳирасини аниқлаш мумкин. Энергетик балансларни айрим корхоналар, алоҳида районлар ва бутунлай макроиқтисодиёт бўйича тузиш мумкин.

Қисқача холосалар

Республика энергетика хўжалиги моддий неъмат ишлаб чиқаришнинг муҳим тармоғи ҳисобланади. У саноат ишлаб чиқаришининг мустақил тармоғи (энергетика) ва айрим бошқармаларнинг энергетик хўжалиги йиғиндисидан ташкил топади. Энергетика хўжалиги ҳажми, унинг ўсиш суръати макроиқтисодиёт ва энергия ишлаб чиқариш ривожланишида муҳим роль ўйнайди.

Назорат ва мухокама учун саволлар

1. Ҳозирги кундаги Республика энергетика хўжалиги ва бу соҳадаги статистиканинг вазифалари нималардан иборат?
2. Энергетик ускуналар классификацияси ва уларнинг кувватлари йифиндисини аниқлаш усуллари.
3. Энергетика хўжалигидан фойдаланишнинг тавсифловчи сифат кўрсаткичларини нималар ташкил этади?
4. Энергетик баланслар.

Асосий адабиётлар

1. Госкомпрогнозстат. Государственная программа перехода Республики Узбекистан на принятую в международной практике систему учета и статистики. Утверждена Каб.Мином. Республики, 14 сентября 1994 г. № 344.
2. Закон Республики Узбекистан: Об иностраннүх инвестициях, об образовании, о биржах и биржевой деятельности, о дехканском (фермерском) хозяйстве. Новёе закони Республики Узбекистан. Вўп. 6, Т. Там же. 1994.
3. Чжен, Основў приватизаций, -Т.: Шарк, 1996.
4. Питер Фон Дер Липпе. Экономическая статистика. Учебник. Перевод с нем. издатель: Федеральное статистическое управление Германии. 1995г.
5. Макроэкономическая статистика. Учебник. Под ред. Проф. Кулагиной Г.Д. М., Финансы и статистика, 2000.

IX боб

МАҲСУЛОТ ТАННАРХИ ВА МОЛИЯВИЙ НАТИЖА КЎРСАТКИЧЛАРИ

9.1. Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби ва статистиканинг ислоҳоти

Маъмурий - буйруқбозликка асосланган тизимдан бозор иқтисодиётига ўтиш бухгалтерия ҳисоби, аудит ва статистикани қайта ташкил этишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Молия, Макроиктисодиёт, Статистика вазирликлари ва Давлат Солик Кўмитаси томонидан ғарб мамлакатлари бухгалтерия ҳисоби ва статистикаси чуқур ўрганиб чиқилди ва Ўзбекистонда Ҳамдўстлик мамлакатлари орасида биринчи бўлиб, қуидаги қонунлар ва низомлар қабул қилинди:

1. 1992 йил 9 декабрда Аудиторлик фаолияти бўйича қонун.
2. Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи ҳақида низом, 1-илова, 1994 йил 26 март.

Корхоналарнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счёtlари режаси ҳақида низом, 2-илова 1994 йил 26 март.

3. Давлат статистикаси ҳақида қонун, 1993 йил 2 сентябрь (2002 йил 12 декабр).

Жаҳон андозаларига тўла жавоб берадиган юқоридаги меъёрий хужжатларга асосланиб, айни вақтда корхоналарнинг бухгалтерия ҳисоби, хўжалик фаолияти таҳлили, ички-ташқи аудит ва статистик ишлар олиб борилмоқда.

Корхоналар бухгалтерия ҳисоби асосан 2 қисмга бўлинади:

- ишлаб чиқариш бухгалтерия ҳисоби;
- молиявий ҳолат бухгалтерия ҳисоби.

Ишлаб чиқариш бухгалтерия ҳисобининг вазифаси маҳсулот таннархи бўйича маълумотларни йиғиш ва қайта ишлашдан иборат. Маҳсулот таннархи бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар сири ҳисобланади, ундан фақатгина бошқариш ходимлари фойдаланишиди ва юқори ташкилотларга ҳисобот берилмайди. Ҳар бир корхона ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини ўрганиш учун ўз хусусиятларини эътиборга олган ҳолда маҳсус ишлаб чиқариш бухгалтерия ҳисобини ташкил этади.

Молиявий ҳолат бўйича бухгалтерия ҳисобининг вазифалари корхонанинг молиявий ҳолатини характерлайдиган маълумотларни тўплаш, уларни қайта ишлаш ва солик соҳаси билан ишлашдан иборатdir. Молиявий ҳисобот корхона билан ташқи муҳит (мулк эгалари, кредит берувчилар, таъминотчи ва сотиб олувчилар) орасида боғловчи воситачи ролини ўйнайди ва бу маълумотлар корхонанинг рақобат фаолиятига зарар келтирмайди.

Бухгалтерия ҳисобини 2 қисмга ажратиш бозор иқтисодиётига тўла мос келади.

Бухгалтерия ҳисоби ислоҳотининг асосий элементлари қуйидагилардан иборат:

Бухгалтерия ҳисоби ҳақида қонун;

Ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ва молиявий натижаларнинг ҳосил бўлиш тартиби;

Бухгалтерия ҳисоби стандартлари;

Аудит ҳақида қонун;

Бухгалтерия ҳисоби ҳисобламаларининг режаси ва ҳисботнинг янги шакллари.

9.2. Махсулот таннархига киритиладиган ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича харажатлар таркиби

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралда қабул қилинган «Ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ва молиявий натижаларнинг ташкил топиши» тўғрисидаги 54-қарори корхоналар маҳсулоти таннархига ва молиявий ҳолатига сезиларли даражада таъсир қўрсатади:

1. Ишлаб чиқариш харажатлари таркибини бозор иқтисодиёти шароитига мослаштиради.

2. Харажатлар ва молиявий натижаларни аниқлаш 2 босқичда амалга оширилади:

I босқичда корхоналарнинг умумий харажатлари ва даромадлари ҳақидаги маълумотлар тўпланади ва қайта ишланади. Бунда фақат умумий натижалар аниқланиб, солиқ ва солиққа тортиш ҳақидаги қонун талаблари эътиборга олинмайди.

II босқичда корхона фойдасининг умумий ҳажмига солиқ ҳақидаги қонунга мос равища тузатишлар киритилади.

Бу босқичда умумий фойда суммаси солиқ олинадиган базага айлантирилади. Бунинг баъзи харажат моддалари фойдадан ажратиб ташланади, баъзилари эса келаси давр солиқ базасидан айрилади. Фойдани иккига ажратиш (солиқ тўлагунча ва солиқ тўлангандан сўнг) солиқларнинг қизиқтирувчилик ролини орттиради.

3. Махсулот таннархи қўрсаткичлари тузилиши мукаммаллашади.

Махсулотларни сотишдан олинган фойдани аниқлаш учун сотишдан тушган тушумдан унинг ишлаб чиқариш таннархи айрилади. Бунда ишлаб чиқариш ва сотишни бошқариш билан боғлиқ бўлган харажатлар корхона фойдаси ҳисобидан қопланади.

4. Корхоналар фаолиятининг самарадорлик қўрсаткичлари икки турга бўлинади:

1) **Мутлоқ қўрсаткичлар:** маҳсулотларни сотишдан тушган ялпи тушум, сотилган маҳсулот таннархи, ялпи фойда, давр харажатлари, асосий

фаолиятдан олинган фойда, молиявий фаолиятдан олинган фойда ёки заар, фавқулодда фойда ёки заар, солиқ тўлангунча бўлган фойда, солиқ тўлагандан кейинги соф фойда.

2) **Нисбий кўрсаткичлар:** барча активлар рентабеллиги, корхона капитали рентабеллиги, сотилган маҳсулот рентабеллиги, бир акция рентабеллиги, корхона барча активларининг айланиш тезлиги, дебиторлик ва кредиторлик қарзи, ишлаб чиқариш материаллари заҳиралари.

Бу ҳақдаги маълумотлар «Корхона (ташкилот) сарф-харажатлари тўғрисидаги ҳисоботи» (5-С шакл)дан олинади.

Ишлаб чиқариш харажатларини таснифлаш такомиллаштирилади ва қуидаги харажат турлари ажратилади:

сотилган маҳсулотни ишлаб чиқариш таннархи;
давр харажатлари;
молиявий харажатлар;
фавқулодда харажатлар.

Бунда кейинги учала кўрсаткич ҳам фойда ҳисобидан қопланади:

- Сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи қуидаги харажатларни ўз ичига олади:
 - ишлаб чиқариш материал харажатлари (чиқиндилар айирилади);
 - ишлаб чиқариш характеристидаги иш ҳақи;
 - ишлаб чиқариш ходимлари бўйича ижтимоий суғурта ажратмалари;
 - номатериал активлар ва асосий фондлар амортизацияси;
 - ишлаб чиқаришдаги бошқа харажатлари.
- Давр харажатлари – ишлаб чиқариши бошқариш, сотиш, бошқа операцион харажатлар ва ишлаб чиқариш ва бошқаришни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган харажатлар.
- Молиявий харажатлар – кредит ресурсларини топиш, қимматбаҳо қофозлар, валюта операциялари, узоқ муддатли ижара харажатлари ва ҳоказолар.
- Фавқулодда харажатлар – табиий оғатлар, урушлар, ва ҳоказолар.

Янги шароитда корхоналарнинг харажат моддалари қуидагicha гурӯхланади:

1. Маҳсулотни ишлаб чиқариш таннархи:
 - а) бевосита ва билвосита моддий харажатлар;
 - б) бевосита ва билвосита меҳнат харажатлар;
 - в) ишлаб чиқариш йўналишидаги бевосита ва билвосита устама харажатлар.
2. Давр харажатлари (янги кўрсаткич):
 - а) сотиш бўйича харажатлар;
 - б) бошқариш харажатлари (маъмурий харажатлар);
 - в) бошқа қўшимча харажатлар ва заарлар.
3. Молиявий фаолият бўйича харажатлар:
 - а) фоизлар бўйича сарфлар;

- б) чет эл валюталари курси ўзгариши бўйича кўрилган заарлар;
- в) қимматбаҳо қоғозларга қўйилган маблағларни қайта баҳолаш;
- г) молиявий фоиз ва солиқ бўйича бошқа сарф-харажатлар;

4. Фавқулодда заарлар.

«Маҳсулот таннархига қўшиладиган маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича харажатлар таркиби ҳамда молиявий маблағларни жамлаштириш ҳақидаги низом»га асосан бухгалтерия ҳисобига қуйидаги янгиликлар киритилади:

Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини ташкил этувчи харажатлар иқтисодий моҳиятлари бўйича қуйидаги элементларга ажратилади:

- ишлаб чиқариш материал харажатлари (чиқиндилар қиймати айриб ташланади);
- ишлаб чиқариш характеристидаги меҳнатга тўловлар;
- ишлаб чиқаришда қатнашувчи ходимларнинг ижтимоий суғурта ажратмалари;
- асосий фондларга ва ишлаб чиқаришга боғлиқ бўлган номатериал активларга амортизация ажратмалари;
- ишлаб чиқаришдаги бошқа харажатлари.

Кўриниб турибдики, янгича шароитда маҳсулот таннархига тижорат, умумхўжалик ва молиявий харажатлар киритilmайди, балки улар ҳар бир даврнинг ўзида корхонага фойда суммаси ҳисобида қопланади ва бу ҳолат миллий ҳисоблар тизимига мос келади.

Давр харажатлари корхоналар фаолиятида янги кўрсаткич ҳисобланади. Бу харажатлар бевосита ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ эмас.

Буларга ишлаб чиқариши бошқариш, тижорат, умумхўжалик харажатлари, шу жумладан, илмий-текшириш ва тажриба-конструкторлик харажатлари ҳам киради. Умумхўжалик харажатлари ҳисобланган бу харажатларнинг ҳажми ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми билан эмас, балки даври, вақт билан боғлиқ. Бу харажатлар қўшилиб, пайдо бўлган вақтда қопланиб юборилади:

- бошқариш харажатлари;
- сотиш харажатлари;
- илмий - текшириш, тажриба - конструкторлик харажатлари ва ҳоказолар.

Молиявий фаолият бўйича харажатлар:

- кредит маблағларини топиш ва бериш;
- қимматбаҳо қоғозлар билан ўтказиладиган операциялар;
- валюталар билан ўтказиладиган операциялар;
- узоқ муддатли ижарага олиш ва беришдан ҳосил бўлган натижа.

Фавқулодда заарлар – буларга кутилмаган ҳолда юз берадиган заарлар киради.

Маҳсулот таннархи таҳлили қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- корхона харажатлари таркиби таҳлили;

- маҳсулот таннархи кўрсаткичлари даражаси ва уларнинг динамикаси;
- маҳсулот таннархига таъсир этувчи омиллар таҳлили.

Бу ҳақдаги маълумотларни 5-С шаклдаги йиллик статистик ҳисоботдан олиш мумкин.

Корхонанинг умумий харажатлари динамикаси

| Харажатлар | 2000 й. | 2001 й. | Индекс % |
|-------------------------------------|---------|---------|----------|
| Ҳамма харажатлар | 47200 | 57000 | 120.8 |
| Шу жумладан: | | | |
| а)маҳсулотни ишлаб чиқариш таннархи | 35000 | 42800 | 122.3 |
| б)давр харажатлари | 10600 | 11400 | 107.5 |
| в)молиявий харажатлар | 1000 | 2400 | 240.0 |
| г)фавқулодда заарлар | 600 | 400 | 66.6 |

Жадвалдан кўринишича, корхонанинг ҳамма харажат моддалари 2001 йилда 2000 йилдагига нисбатан ортган, айниқса, молиявий харажатларнинг 2,4 марта ортиши корхонанинг молиявий фаолияти фаоллашганидан дарак беради. Эндиgi вазифа ҳар бир модда ичидаги моддачалар динамикасини таҳлил қилишдан иборат (харажатларнинг иқтисодий элементлари ва калкуляция моддалари бўйича) .

Амалда маҳсулот таннархининг қўйидаги кўрсаткичлар тизими мавжуд:

- айрим олинган маҳсулот бирлиги таннархи;
- ялпи товар ва сотилган маҳсулот таннархи;
- бир сўмлик товар маҳсулотга қилинган харажат.

| Кўрсаткичлар | 2000 й. | 2001 й. | Индекс % |
|---|---------|---------|----------|
| 1. Ялпи маҳсулот таннархи | 127000 | 131000 | 103.1 |
| 2. Товар маҳсулот таннархи | 122600 | 125000 | 101.9 |
| 3. Товар маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи | 117000 | 121200 | 103.4 |
| 4. Сотилган маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи | 114800 | 117000 | 101.9 |
| 5. Бир сўмлик товар маҳсулотга қилинган харажат (тийин) | 92 | 85 | 92.4 |

Жадвалдан кўриниб турибдики, ялпи товар, сотилган маҳсулот таннархи ортган. Бир сўмлик товар-маҳсулотга қилинган харажат кўрсаткичи эса 7,6% га камайган. Бунинг сабаби шундаки, улгуржи баҳода ҳисобланган товар-маҳсулот ҳажмининг ўсиш даражаси товар-маҳсулот таннархининг ўсиш даражасидан ортиқ бўлган. Бир сўмлик товар маҳсулотга қилинган харажат динамикаси:

$$i_h = \frac{h_1}{h_0} = \frac{85}{92} = 0,924 \text{ ёки } 92,4 \% \text{ га teng бўлган.}$$

Маҳсулот таннархига таъсир этувчи омиллар қудратини ўрганиш учун бир сўмлик товар-маҳсулотга қилинган харажат кўрсаткичидан фойдаланиш лозим. Бу кўрсаткич динамикасига қўйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

- айрим олинган маҳсулот таннархининг ўзгариши;
- айрим олинган маҳсулот улгуржи баҳосининг ўзгариши;
- товар-маҳсулот таркибида юз берган структура ўзгаришлари.

Ундаги таъсир даражасини ўрганиш учун қуидаги индекслар тизимидан фойдаланилади:

$$I_{\text{умумий}} = \frac{\sum q_1 c_1}{\sum q_1 p_1} : \frac{\sum q_0 c_0}{\sum q_0 p_0}; \quad \text{шу жумладан:}$$

$$I_{\text{таннарх}} = \frac{\sum q_1 c_1}{\sum q_1 p_0} : \frac{\sum q_1 c_0}{\sum q_1 p_0};$$

$$I_{\text{бахо}} = \frac{\sum q_1 c_1}{\sum q_1 p_1} : \frac{\sum q_1 c_1}{\sum q_1 p_0};$$

$$I_{\text{ассортимент}} = \frac{\sum q_1 c_0}{\sum q_1 p_0} : \frac{\sum q_0 c_0}{\sum q_0 p_0};$$

$$I_{\text{умумий}} = I_{\text{таннарх}} \times I_{\text{бахо}} \times I_{\text{ассортимент}}.$$

Бир сўмлик товар маҳсулотга қилинган харажат кўрсаткичларини ҳисоблаш

| Маҳсулот турлари | Маҳсулот ҳажми (дона) | | 1 дона маҳсулот баҳоси (сўм) | | 1 дона маҳсулот таннархи (сўм) | |
|------------------|-----------------------|-------|------------------------------|-------|--------------------------------|-------|
| | БД | ЖД | БД | ЖД | БД | ЖД |
| | q_0 | q_1 | p_0 | p_1 | c_0 | c_1 |
| A | 800 | 1000 | 80 | 100 | 70 | 60 |
| Б | 500 | 400 | 80 | 60 | 61 | 50 |
| В | 200 | 300 | 20 | 30 | 10 | 20 |

- Бир сўмлик товар маҳсулотга қилинган харажат кўрсаткичлари динамикаси

$$J_{\text{умумий}} = \frac{1000 \cdot 60 + 400 \cdot 50 + 300 \cdot 20}{1000 \cdot 100 + 400 \cdot 60 + 300 \cdot 30} : \frac{800 \cdot 70 + 500 \cdot 60 + 200 \cdot 10}{800 \cdot 80 + 500 \cdot 80 + 200 \cdot 20} = \dots = 79,4\%.$$

Демак, жорий даврда базис даврга нисбатан бир сўмлик товар маҳсулотга қилинган харажат кўрсаткичи 20,6 % га камайган.

Шу жумладан:

- Маҳсулот таннархининг ўзгариши

$$J_{\text{таннарх}} = \frac{1000 \cdot 60 + 400 \cdot 50 + 0 \cdot 20}{1000 \cdot 80 + 400 \cdot 80 + 300 \cdot 20} : \frac{1000 \cdot 70 + 400 \cdot 60 + 300 \cdot 10}{1000 \cdot 80 + 400 \cdot 80 + 300 \cdot 20} = \dots = 88,7\%.$$

Демак, айрим олинган маҳсулот таннархларининг ўзгариши бир сўмлик товар маҳсулотга бўлган харажат кўрсаткичини 11,3 % га пасайтирган.

3. Маҳсулот улгуржи баҳосининг ўзгариши

$$J_{башо} = \frac{1000 \cdot 60 + 400 \cdot 50 + 300 \cdot 20}{1000 \cdot 50 + 400 \cdot 60 + 300 \cdot 30} : \frac{1000 \cdot 60 + 400 \cdot 50 + 300 \cdot 20}{1000 \cdot 80 + 400 \cdot 80 + 300 \cdot 20} = \dots = 88,7\%.$$

Демак, маҳсулотларга бўлган улгуржи баҳоларнинг ортиши ҳисобига бир сўмлик товар маҳсулотга бўлган харажат кўрсаткичи 11,3% га пасайган.

4. Товар-маҳсулотлар таркибининг ўзгариши

$$J_{ассортимент} = \frac{1000 \cdot 70 + 400 \cdot 60 + 300 \cdot 10}{1000 \cdot 80 + 400 \cdot 80 + 300 \cdot 20} : \frac{800 \cdot 70 + 500 \cdot 60 + 200 \cdot 10}{800 \cdot 80 + 500 \cdot 80 + 200 \cdot 20} = \dots = 100,9\%.$$

Товар-маҳсулотлар таркибининг ўзгариши ҳисобига бир сўмлик товар маҳсулотга бўлган харажат кўрсаткичи 0,9 % га ортган.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, бир сўмлик товар маҳсулотга базис даврда 81,5 тийин, жорий даврда эса 64,7 тийин сарфланган. Демак, харажатлар 16,8 тийин, яъни 20,6 % пасайган. Бундай ҳолатга маҳсулот таннархининг пасайиши ва улгуржи баҳонинг ортиши сабаб бўлган, ассортимент ўзгаришлари эса салбий таъсир кўрсатган.

$$\frac{88,7}{100} * \frac{88,7}{100} * \frac{100,9}{100} = \dots = 79,4\%$$

Бундай таҳлил ҳар бир омилнинг маҳсулот таннархига бўлган таъсирини аниқлаш имконини беради.

9.3. Фойда кўрсаткичлари

Бу ҳақдаги маълумотларни “Корхона (ташкилот) лар молиявий фаолиятининг асосий кўрсаткичлари тўғрисида” ги йиллик ҳисоботи (1-Ф шакл)дан олинади. Унда фойданинг қуидаги кўрсаткичлари келтирилган:

- 1) Маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда қ (Маҳсулотни сотишдан тушган тушум – Маҳсулот таннархи) – (Кўшилган қиймат солиғи Қ Акциз солиғи)
- 2) Асосий фаолиятдан олинган фойда қ Маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда – (Давр харажатлари Қ Асосий фаолиятдан олинган фойда ва зарарлар)
- 3) Молиявий фаолиятдан олинган фойда қ Акциялардан олинган девиденклар Қ Заёмлардан олинган девиденклар Қ Бошқа корхоналардан олинган девиденклар Қ Бошқа фоизлар Қ Валюта курсининг ўзгаришидан олинган фойда Қ Қимматбаҳо қоғозлардан олинган фойда Қ Ижарага беришдан олинган фойда.

- 4) Умумий хўжалик фаолиятдан олинган фойда қ Асосий фаолиятдан олинган фойда ± Молиявий фаолиятдан олинган фойда ёки кўрилган зарар.
- 5) Солиқ тўлангунгача бўлган фойда қ Умумий хўжалик фаолиятидан олинган фойда ± Кутимаган ҳодиса-воқеадан олинган фойда ёки кўрилган зарар.
- 6) Солиқ тўланадиган фойда қ Солиқ тўлашгача фойда К (Бухгалтерия фойдаси ва солиқ тўланадиган фойда орасидаги доимий фарқ - Солиқ имтиёзлари).
- 7) Кутимаган, лекин айрим ҳоллар туфайли олинган фойда.
- 8) Соф фойда қ Солиқ тўлашгача бўлган фойда – Тўланадиган солиқ ва тўловлар суммаси.

Солиқ оладиган базани аниқлаш учун қуидаги шартли мисолдан фойдаланамиз, молиявий натижалар бўйича хисобот 2000 йил охирига:

| | |
|--|--------------------------------|
| 1) Сотишдан олинган тушум | 100000 сўм |
| 2) Сотилган маҳсулот таннархини ҳисоблаш | |
| а) материалларга қилинган тўғри харажат | 30000 сўм |
| б) меҳнатга қилинган тўғри харажат | 20000 сўм |
| в) қўшимча харажатлар | 5000 сўм |
| 3) Ялпи фойда | 45000 сўм |
| 4) Давр харажатлари | 10000 сўм |
| 5) Умумий хўжалик фаолиятидан олинган фойда | 35000 сўм |
| 6) Бошқа харажатлар: | |
| а) фоиз тўлаш | 5000 сўм |
| 7) Валюта курсидан йўқотиши | 2000 сўм |
| 2000 йил охирига солиқ ҳисоби | |
| 8) Солиқ тўлашдан олдинги фойда | 28000 (35000 - (5000 К 2000)) |
| 9) Солиқ тўланадиган фойдага қўшиладиган харажатлар: | |
| а) ижтимоий харажатлар | 7000 сўм |
| б) белгиланган сметадан ташқари хизмат сафари | |
| харажатлари | 5000 сўм |
| 10) Солиқ тўлаш учун база | 40000 (28000 К 7000 К 5000) |
| <u>Молиявий харажатлар даражаси</u> | 40% |
| <u>У ҳолда: тўланадиган солиқ суммаси</u> | 16000 сўм |
| У ҳолда: Соф фойда қ 12000 (28000 – 16000). | |

Корхона фойдасини ташкил топиши ва ундан фойдаланиш схемаси



Солик ҳақидаги қонунга мувофиқ балансдаги фойдадан мажбурий тўловлар амалга оширилади.

Балансдаги фойдадан солик айириб ташлангач, соф фойда қўрсаткичи ҳосил бўлади.

Фойда қўрсаткичлари корхона иш фаолиятининг мутлоқ самарадорлик даражасини ифодалайди.

Ялпи фойда ҳажмига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

- 1) Сотилган маъсулот ҳажмининг ўзгариши;
- 2) Сотилган маъсулот таннархининг ўзгариши;
- 3) Сотилган маъсулот баҳосининг ўзгариши;
- 4) Сотилган маъсулот таркибининг ўзгариши.

Ялпи фойда ҳажмига бу омилларнинг таъсирини аниқлаш учун қуйидаги индекслардан фойдаланамиз:

$$I_{\text{умумий}} = \frac{\Sigma q_1 p_1 - \Sigma q_1 c_1}{\Sigma q_0 p_0 - \Sigma q_0 c_0}; \quad I_{\text{таннырх}} = \frac{\Sigma q_1 p_1 - \Sigma q_1 c_1}{\Sigma q_1 p_1 - \Sigma q_1 c_0};$$

$$I_{\substack{\text{сотилганмашт} \\ \text{шакми}}} = \frac{\Sigma q_1 c_0 \times R_0}{\Sigma q_0 p_0 - \Sigma q_0 c_0}; \quad I_{\text{баш}} = \frac{\Sigma q_1 p_1 - \Sigma q_1 c_0}{\Sigma q_1 p_0 - \Sigma q_1 c_0};$$

$$I_{\text{ассортимент}} = \frac{\Sigma q_1 p_0 - \Sigma q_1 c_0}{\Sigma q_1 c_0 \times R_0};$$

$$I_{\text{умумий}} = I_{\substack{\text{сотилганмашт} \\ \text{шакми}}} * I_{\text{таннырх}} * I_{\text{баш}} * I_{\text{ассортимент}}.$$

Бунда: $\Sigma q_1 c_0 \times R_0$ - базис давр рентабеллик даражасида жорий даврда сотилган маҳсулотдан олинган фойда.

Сотилган маҳсулотдан олинган ялпи фойда ҳажмига таъсир этувчи омилларни ҳисоблаш

| Кўрсаткичлар | Сумма | Ҳисоблаш усули | № |
|---|--------|--|---------------------------|
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| I.Маълумот манбалари | | | |
| 1.Жорий даврда сотилган маҳсулот жорий давр баҳосида ($\Sigma q_1 p_1$) | 800000 | | |
| 2.Жорий даврда сотилган маҳсулот жорий давр таннархида ($\Sigma q_1 c_1$) | 600000 | | |
| 3. Жорий даврда сотилган маҳсулот базис давр баҳосида ($\Sigma q_1 p_0$) | 70000 | | |
| 4. Жорий даврда сотилган маҳсулот базис давр таннархида ($\Sigma q_1 c_0$) | 66000 | | |
| 5. Базис даврда сотилган маҳсулот базис давр баҳосида ($\Sigma q_0 p_0$) | 50000 | | |
| 6.Базис даврда сотилган маҳсулот базис давр таннархида ($\Sigma q_0 c_0$) | | (50000-40000) / 40000 | 0,25 ёки 25 % |
| 7.Базис давр рентабеллик даражаси (R_0) | 40000 | | |
| II. Омиллар таъсирини ҳисоблаш | | | |
| а)Сотилган маҳсулот рентабеллиги даражасининг жорий даврда базис даврдагига нисбатан ўзгариши ((1-2) / (5-6)) | | (80000-60000)/ (50000-40000) | Ўсиш Қ10 млн. с. ёки 200% |
| б) Сотилган маҳсулот ҳажми ўзгаришининг таъсири ((4*0,25) / (5-6)) | | (66000*0,25) / (50000-40000) к 8250 / 10000 | Қ 6500 минг сўм ёки 165% |
| | | (80000-60000)/ (80000-66000) к 20000 / 14000 | Қ 6000 минг сўм ёки 143% |

| | | | |
|--|--|---|---------------------------|
| в) Сотилган маҳсулот таннархи ўзгаришининг таъсири ((1-2) / (1-4)) | | (80000-66000) / (70000-66000) к 14000 / 4000 | Қ 1000 минг сўм ёки 350 % |
| г) Сотилган маҳсулот баҳоси ўзгаришининг таъсири ((1-4) / (3-4)) | | (70000-66000) / (66000 * 0,25) к 4000 / 16500 | -12500 минг сўм ёки - 24% |
| д) Сотилган маҳсулот таркибининг ўзгариши ((3-4) / (5 * 0,25)) | | | |

Демак, сотилган маҳсулотдан олинган фойда 10 млн. сўмга ёки 200% га ортган.

Шу жумладан: Қ 6,5 Қ 6,0 Қ 10,0 - 12,5 к 10,0 млн.с.
10,0 к 10,0.

ёки ((165/100) * (143/100) * (350/100) * (76/100)) * 100 к 200%
200,0% к 200,0%

9.4. Рентабеллик кўрсаткичлари

Молия статистикасида мутлоқ миқдор – фойда суммаси билан бир қаторда, нисбий миқдор – рентабеллик даражаси кўрсаткичи ҳам кенг қўлланилади. Бунда корхона фаолиятини ифодаловчи ҳар хил миқдор ва сифат кўрсаткичлари: маҳсулот ҳажми, меҳнат унумдорлиги, маҳсулот таннархи, фойда суммаси ва бошқалар мужассамлашади.

1. Корхонанинг ҳамма активлари рентабеллиги:

РА к Соф фойда / А

А - корхона активларининг ўртача йиллик қиймати.

Корхонанинг ҳамма активлари рентабеллиги шу корхона активларига инвесторлар ва кредиторлар томонидан қўйилган ҳар бир сўм неча сўм фойда келтирганлигини ифодалайди.

2. Корхона хусусий капиталининг рентабеллиги:

РХК к Соф фойда / ХК ; ХК - хусусий капиталнинг ўртача йиллик суммаси қиймати (устав капитали Қ қўшимча капитал Қ захира капитал Қ жамғарилган фойда).

Корхона хусусий капитали рентабеллиги хусусий мулк эгалари томонидан қўйилган хусусий капиталнинг ҳар бир сўми неча сўмлик соф фойда келтирганини ифодалайди.

3. Сотилган маҳсулот рентабеллиги:

СМР к Ялпи фойда / Сотилган маҳсулот ҳажми
ёки

Соф фойда / Сотилган маҳсулот ҳажми.

Сотилган маҳсулот рентабеллиги ҳар бир сўмлик сотилган маҳсулот

қанча ялпи ёки соф фойда келтирганини ифодалайди.

Олинган конкрет маҳсулот тури бўйича рентабеллик даражаси хом ашё баҳоси, маҳсулот сифати, меҳнат унумдорлиги даражаси, ишлаб чиқаришда сарфланган харажатларга боғлиқ бўлади. Ишлаб чиқариш фондлари рентабеллиги юқоридаги омиллардан ташқари ишлаб чиқариш потенциалидан фойдаланиш даражасига, носаноат фаолият натижаларига ҳам боғлиқ бўлади. Демак, сотилган маҳсулот даражаси кўрсаткичи умумий рентабеллик даражаси кўрсаткичини тўлдиради.

4. Жорий харажатлар рентабеллиги қ Соф фойда / Жорий харажатлар суммаси, қилинган ҳар бир сўмлик харажатга қанча фойда олинганини ифодалайди.

5. 1 акциянинг рентабеллиги :

Р/А қ Соф фойда / АҚо; АҚо - муомалага чиқарилган акциялар миқдори.

1 акциянинг рентабеллиги компаниянинг муомаладаги ҳар бир акцияси қанча сўм соф фойда келтирганини ифодалайди.

Юқоридаги мисолимизда: 1) РА қ Соф фойда / Активларнинг ўртача йиллик қиймати қ 12000 / 120000 - 0,1 ёки 10%.

Демак, инвесторлар ва кредиторлар томонидан қўйилган ҳар бир сўм 10 тийиндан соф фойда келтирган.

2) РХК қ Соф фойда / Хусусий капиталнинг ўртача йиллик қиймати қ 12000 / 70000 қ 0,172 ёки 17,2%. Демак, хусусий мулк эгалари тор/47200 қўйилган капиталнинг ҳар бир сўми 17,2 тийиндан соф фойда келтирган.

3) СМР қ Соф фойда / Сотилган маҳсулот ҳажми қ 12000 / 100000 қ 0,125 ёки 12,5%.

Демак, ҳар сўмлик сотилган маҳсулот 12,5 тийин соф фойда келтирган.

4) Р / ЖХС қ Соф фойда / ЖХС қ 12000 / 55000 қ 2,218 ёки 21,8 %.

Демак, ҳар бир сўмлик қилинган харажат 21,8 тийин соф фойда келтирган.

5) Р1А қ Соф фойда / Муомалага чиқарилган акциялар миқдори қ 12000 / 240000 қ 0,05 ёки 5,0.

Демак, корхона томонидан муомалага чиқарилган акциянинг ҳар бир сўми 5 тийиндан соф фойда келтирган.

Ишлаб чиқариш рентабеллиги даражаси таҳлили фойда таҳлили каби унга таъсир этувчи омиллар таҳлили билан охирга етказилади. Масалан, маҳсулот рентабеллиги даражасига сотилган маҳсулот таннархи ва унинг баҳоси, корхона активлари рентабеллиги даражасига, оборот маблағларининг айланиши тезлиги ва маҳсулот рентабеллиги даражаси, ишлаб чиқариш фондлари рентабеллиги даражасига фонд талабчанлик даражаси, маҳсулот рентабеллиги таъсир кўрсатади. Корхонанинг жорий харажатлари рентабеллиги даражасига маҳсулот таннархи, баҳоси ва ассортиментининг ўзгариши таъсир этади.

$$I_{\text{жорий} \atop \text{харажат}} = \frac{\sum q_1 p_1 - \sum q_1 c_1}{\sum q_1 c_1} : \frac{\sum q_0 p_0 - \sum q_0 c_0}{\sum q_0 c_0}.$$

Шу жумладан:

$$I_{\text{мащулот} \atop \text{таннархи}} = \frac{\sum q_1 p_1 - \sum q_1 c_1}{\sum q_1 c_1} : \frac{\sum q_1 p_1 - \sum q_1 c_0}{\sum q_1 c_1};$$

$$I_{\text{баш}} = \frac{\sum q_1 p_1 - \sum q_1 c_0}{\sum q_1 c_1} : \frac{\sum q_1 p_0 - \sum q_1 c_0}{\sum q_1 c_1};$$

$$I_{\text{ассортименг}} = \frac{\sum q_1 p_0 - \sum q_1 c_0}{\sum q_1 c_1} : \frac{\sum q_0 p_0 - \sum q_0 c_0}{\sum q_0 c_0};$$

$$I_{\text{жорий} \atop \text{харажат}} = I_{\text{мащулот} \atop \text{таннархи}} \cdot I_{\text{баш}} \cdot I_{\text{ассортименг}}$$

Жорий харажатлар рентабеллигига таъсир этувчи омиллар таъсирини ҳисоблаш

(минг сўм)

| Кўрсаткичлар | Белги | Сумма |
|--|----------------|-------|
| Жорий даврда сотилган маҳсулотга тушум | $\sum q_1 p_1$ | 800 |
| Жорий даврда сотилган маҳсулот таннархи | $\sum q_1 c_1$ | 640 |
| Базис даврда сотилган маҳсулотга тушум | $\sum q_0 p_0$ | 595 |
| Базис даврда сотилган маҳсулот таннархи | $\sum q_0 c_0$ | 490 |
| Жорий даврда сотилган маҳсулотга базис баҳоси бўйича тушум | $\sum q_1 p_0$ | 680 |
| Жорий даврда сотилган маҳсулотнинг базис давр таннархи | $\sum q_1 c_0$ | 560 |

У холда, жорий харажатлар рентабеллиги индекси

$$I_{\text{жорий} \atop \text{харажатлар} \atop \text{рентабеллиги}} = \frac{800 - 640}{640} : \frac{595 - 490}{490} = (0,250 : 0,214) \cdot 100 = 116,7 \%$$

Демак, жорий харажатлар рентабеллиги даражаси ЖД да БД га нисбатан 16,7 % га ортган.

Шу жумладан,

- 1) Маҳсулот таннархи ўзгариши ҳисобига:

$$\frac{800 - 640}{640} : \frac{800 - 560}{640} = (0.250 : 0.375) \cdot 100 = 66.6\%$$

Демак, жорий харажатлар ҳажмининг ортиши ҳисобига рентабеллик даражаси 33.4 % га камайган.

2) Сотилган маҳсулот баҳоси ўзгариши ҳисобига:

$$\frac{800 - 560}{640} : \frac{680 - 560}{640} = (0.375 : 0.187) \cdot 100 = 200\%$$

Демак, баҳонинг ортиши ҳисобига жорий харажатлар рентабеллиги даражаси 2 марта ортган.

3) Сотилган маҳсулот таркибининг ўзгариши ҳисобига:

$$\frac{680 - 560}{640} : \frac{595 - 490}{490} = (0.187 : 0.214) \cdot 100 = 87.6\%$$

Демак, сотилган маҳсулот таркибининг ўзгариши ҳисобига рентабеллик даражаси 12.4 % пасайган.

Демак, 2 та омил: маҳсулот таннархи ва сотилган маҳсулот таннархи рентабеллик даражасига салбий таъсир кўрсатган ва фақат баҳонинг ортиши ҳисобига рентабеллик даражаси ортган.

